


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“САҲНА НУТҚИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ
ИННОВАЦИЯЛАР” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



Тузувчи: проф. И.Джуманов

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА.....	12
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	13
МАЪРУЗА МАТНИ	31
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	57
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	62
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....	63
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР	65
ГЛОССАРИЙ.....	66
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	68
АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	79



ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Республикамиздаги санъат ва маданият тизимларда рўй берадиган ўзгаришлар ҳар бир шахс учун, унинг маънавий ва маданий ҳаётининг барқарор бўлиши учун катта имкониятлар яратади. Республикализ Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб шароит яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй берадиган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда». Бундай шартлардан бири – жамиятдаги муаммоларга илмий ёндашишдир. Бу ёндашувда саҳна нутқи модули муҳим ўрин тутади.

“Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулининг мақсади:

- нафас меъёрини мустаҳкамлаш, овоз жарангни имкониятларини ривожлантириш, тўғри йўналтириш;
- тасаввур ва тасвирлаш маҳоратининг эркинлиги, ранг-баранглиги, аниқ, равон, ифодавий бетакрорлигининг услубий амалий ижросини таъминлаш;
- модулдан олган билим ва малакаларини етук ижодкор сифатида шаклланиши ҳамда ижодкор шахс бўлиб етишишга қаратиш;
- ҳаётий мулоқот фаоллиги ва таъсирчанлигига эркин, жонли, таъсирли ҳикоялаш маҳоратини ўзлаштириш;
- тасаввур ва тасвирлаш маҳоратининг эркинлиги, ранг-баранглиги, аниқ, равон, ифодавий бетакрорлигининг услубий амалий ижросини таъминлаш;
- миллий истиқбол ғоялари акс этган шеърий ва насрий бадиий матнларнинг таҳлили ҳамда талқинини ўзлаштириш;
- турли образлар ва уларнинг нутқий талқини, фикр, ғоя, мақсад ва уларнинг сўз ҳатти-ҳаракатидаги ифодавий ҳусусиятларини ўзлаштириш.

“Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулининг вазифалари:

- саҳна нутқи модулининг ўқитиш ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида видео, аудио ёзувлардан тасвирга олиш ва тингловчиларга нутқидаги ўзига ҳос жиҳатлар ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш;
- интернетдан фойдаланиш, радио, телевидение, кинода намойиш қилинган асарларда сўз санъати ва унинг ютуқларидан ижодий фойдаланиш;
- жонли, аниқ, таъсирчан ижро маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг услубий амалий ижро маҳорати устида иш олиб бориш;



- режиссёрлик, актёрлик таълим, касбий таълим, маданият ва санъат муассасаларини бошқариш йўналиши тингловчиларининг намунали, равон нутқини такомиллаштиришга асос бўладиган саҳнавий нутқини ўзлаштириш;

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модули бўйича билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

Тингловчи:

- саҳна нутқи техникасининг ижро маҳорати, унинг ўрни ва вазифаларини мукаммал билиши;
- товушлар талафғузининг мукаммаллигини ифодаловчи нутқ аъзолари лаб, жағ, тишлар ҳамда томоқнинг маромли ва меёрий фаолиятини таъминловчи вазифаларини билиши, ўзлаштириши, эркин кўникмалар ҳосил қилиши;
- овоз, товушлар талафғузининг моҳияти ва уни мустаҳкамлашнинг услугбий, амалий асосларини ҳаракатланиш маромлари ва нафас органларининг вазифаларини билиши ва амалий ижодий ижро меъёrlарига эришиши;
- нафасни тўғри олиш ва кўникма ҳосил қилиши, шунингдек уни турли матнларда тўғри сарфлаш эркинлигига эришиши;
- саҳнавий нутқ техникасининг такомиллаштирувчи, мустаҳкамловчи машқларнинг услугбий-амалий жиҳатдан ўзлаштириши;
- овоз жарангни имкониятларини мустаҳкамлаш (қайтарғичлар, резанаторлар) сонор товушлари, бирикмалари билан амалга ошириладиган машқларни ўзлаштириш, овоз диапазонининг кенглиги, ўзгарувчанлиги, пастки, ўрта ва юқори қатламлардаги жарангни ва тембрини ҳосил қилишга эришишни билиши керак.

Саҳна нутқи маҳоратини эгаллашда услуг ва воситалардан фойдаланиш билан бирга таҳлил орқали янги асарлар мажмуаси устида ишлаш кўникмаларига эга бўлиши керак. Шу билан бирга модулнинг тарихини зарурий томонларини ва замонавий илмий-услубий адабиётлар ҳақида маълумот олиш ва тушуниш, мунтазам ўз устида ишлаш зарурлигини хис қилиши ҳамда модулнинг илмий-услубий, шунингдек, ижодий асосларини шакллантирувчи мажмуаларини ўзлаштириши керак.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги



Модул мазмуни ўқув режадаги “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги илғор тажрибалардан фойдаланиш”, “Режиссёрлик ва актёрлик санъатида саҳна нутқининг ўрни”, “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги долзарб масалалар”, “Саҳна нутқи фанини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари, “Саҳна нутқи фанини ўқитишида компьютер технологияларидан фойдаланиш услубиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган.

Модулинг олий таълимдаги ўрни

“Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулини ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар компьютер техникаси, аудио ва видеотасмалар, мультимедия, тест саволлари ва тарқатма материаллардан фойдаланилади. Дарс жараёнида қўлланиладиган педагогик амалиётга илмий асосланган педагогик технологиялар амалий қўлланилади. Бу услубларнинг натижалари, яъни тингловчининг билим ва кўникмаларини эгаллаш жараёни рейтинг тизимида баҳоланиб борилади. Якуний рейтинг назорати эса қўрик тарзида мутахассислар (томушабинлар)га тақдим қилинади. Кўрик натижалари мутахассислар томонидан муҳокама қилинади. Гурухли, амалий ва якка машғулотларни ташкил қилишда эса таълим методларидан фойдаланилади.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг саҳна нутқи, хусусан сўз саънати ижрочилигида мукаммал ижро маҳоратига ва тингловчининг индивидуал имкониятини очишни кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиши мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимининг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган



натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш. Янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишининг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, тарқатма материаллар), муаммоли таълим, ақлий хужум, муаммоли таълим, диологик ёндошув, ўз-ўзини назорат, лойиҳалаш ва х.к. усуллари, амалий ишлар.

Ўқитиши ташкил этиш шакллари. Диалог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, колектив, гурӯҳ ва якка.

Ўқитиши воситалари. Ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари. Тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Бошқариш усуллари ва воситалари. Ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш. Ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида ижодий дастур ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

“Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулини ўқитиши жараёнида компьютер технологиясидан, турли аудио, видео, CD, DVD материалларидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича тингловчилар билимини баҳолаш тест асосида бажарилади. “Интернет” тармоғида берилган соҳага оид маълумотлардан фойдаланилади, ижодий дастурлар намойиши орқали якуний назоратлар ўтказилади.



Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот			
1.	Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар модулининг мақсади.	2	2	2					
2.	Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.	4	2	2				2	
3.	Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш.	2	2		2				
	Жами:	8	6	4	2			2	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар модулининг мақсади.

(2 соат маъруза)

Режа:

- “Саҳна нутқи модулини ўқитишидаги инновациялар” модули шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар
- Саҳна нутқи инновациясида жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидағи туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятлари.
- “Саҳна нутқи модулини ўқитишидаги инновациялар” модули ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорлик масалалари.

Инсоний фаолиятнинг ижтимоий, маънавий-марифий, маданий ҳамда кундалик ҳаётий, муомила-мулоқот, муносабат, истак ва интилишларининг асосий ифодавий мулоқот воситаси бўлган тилимизнинг ҳар жиҳатдан



мазмунли ва таъсирли бўлиши, ҳар бир шаҳс, ижодкор ва мутаҳасиссларнинг тезкор тараққиёт жараёнларига ҳамоҳанг вазифаларидан биридир. Санъат ва маданият йўналишидаги педагог мутаҳасисликларининг “Саҳна нутқи” предмети доирасида тавсия қилинадиган назарий ва амалий ижодий тушунчалар, бадиий сўз ижро маҳоратининг назарий ва амалий ижодий ижро асослари, вазифалар, услубий ёндошишлар, инсоний нутқий фаолиятнинг мазмунли ва тасирчананик равон ва бетакрор бўлиши ҳамда миллий истиқлол ғояларининг бадиий сўз маҳоратидаги ифодавий таъсирчанлигини ошириш, ва унинг замонавий интер фаол бадиий мукаммаллигини мустаҳкамлашга қаратилган.

2-мавзу. Муаллиф асарида ҳарактер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.

(2 соат маъруза)

Режа:

1. Таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йўналишларида замон қаҳрамони тимсолларини танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятлари.
2. Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллиги шарт-шароитлари.
3. Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр туйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳорати уйғулиги

Актёрлик, режиссёрглик санъатида сўз хатти ҳаракатининг кўп қиррали тамойиллари ҳар бир изланувчи, ижодкор томонидан турлича ёндошаётганликларини кузатиш мумкин. Ўзбекистон халк артисти Малика Иброҳимова таниқли режиссёр Эргаш Мусафоевнинг асар таҳлили ва сўз устида ишлаш жараёнларини шундай эслайди:-“Энг мураккабликлар, қарама-қаршиликлар билан ролларда ишлаган санъатда изланишга йўллаган, қийинчиликларни ҳис қилишга, фикрлашга ундан устозим Эргаш Мусафоев бўлган. Улар бир сўзнинг устида баъзан бир кун, хатточи бир ой ҳам ишлар эдилар. Биз масалан, саҳнага чиқиб –“салом” деймиз. Бу сўзни улар яна ва яна қайтартирганлар. Ҳеч тушунмас эдим, нима нотўғри? Бизларга тушинтирас эдилар, лекин биз тушина олмасдик. Йиллар ўтиб тушунгандиканки, биттагина салом деган сўзда бир оламни ташкил қиласидиган борлиқлар бор. У борлиқ ўша турган жойи, у ерда нималар борлиғи, масалан инсон руҳиятида шундай нарсалар борки, биз бир хонада бошқача гаплашамиз, агар ўша ерда бир гул турса унда ўша гул таъсирида бошқача гаплашамиз. Қаҳрамонингнинг бутун руҳиятига таъсир қилаётган нарсаларни билиб, ўша қаҳрамонни эмас, унинг руҳиятидаги ана шу кечинмаларни



чиқишини ҳохлаган эканлар Эргаш ака. Биздан сўзни эмас, қаҳрамоннинг қаҳрамоннинг сўз орқали ички кечинмалари орқали кўрсатишимизни талаб қилганлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш.

(2 соат амалий машғулот)

Режа:

1. Телевидение ва радио дастурлари учун лойиха ва у асосида сценарий яратиш тизимлари
2. Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларида жонли сўз ва унинг ижрочилик маҳарати
3. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлаш ва бошловчилик маҳорати

Жонли сўзниң таъсирчанлиги, жарангдорлиги артикуляцион эркинлик ва фаолликни такомиллаштиришга замин яратувчи адабий бадији хамда турли мавзулардаги матнлар жонли сўз ва бадији сўз маҳорати ижро жараёнларини мукаммаллаштирувчи жараёнлар ўзлаштирилиши ва амалий ижолдий кўникмаларга эришиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уни профессионал актёрлар, сұхандонлар, бадији сўз усталари, нотиклар ва фаолияти сўз санъати билан боғлиқ, профессионал вокалист, эстрада, опера, ва фольклор кўшиқчилари ҳам кенг тадбиқ қилишлари мумкин. Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориша жонли мазмундор таъсирчан сўз санъатини такомиллаштириш мақсадидаги машғулотларда талаффузнинг равон, ифодавий фаол таъсирчан ижро амалиётида турли матнлар билан мустаҳкамланиши ва унинг замонавий интерфаол асолари шакллантирилиши, амалий хусусиятларини мустаҳкамлашга қаратилган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Миллий истиқлол ғояси руҳидаги насрый ва шеърий бадији асарлардан намуналар.
2. Сўз санъатида жамият тараққиёти, шахс комолоти ва унинг бадији ифодаси.
3. Сўз санъатида жамият ривожланишининг бадији ифодаси.



4. Мустақиллик ва жамият ривожланиши түғрисидаги қарашларнинг янгича илмий асослари.
5. И.А.Каримов асарларида жамият ривожланиши түғрисида янги назарий-концептуал ғоялар ва уларнинг жонли сўздаги ифода маҳорати.
6. Жамият ривожланишининг инсон тараққиёти жараёнларидағи уйғуныгининг бадиий ифодаси.
7. Жамият ривожланишида “маънавий ҳаёт” омили ва унинг тарғибот-ташвиқотида сўз таъсирчанлиги.
8. Жамият ривожланишида “моддий ҳаёт” омилиниң ўрни, аҳамияти ва вазифалар түғрисида публицистик матнлар ифодавийлиги.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Таълим түғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 1.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон. 1997.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1. “Ўзбеккино” давлат акциядорлик компаниясини тузиш түғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил 29 апрель. // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, 4. – Т.: Адолат, 2000.

2.2. Ўзбекистонда миллий рақс ва хорография санъатини ривожлантириш түғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 9 январь. // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Т.: Адолат, 2000.

2.3. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 1997 йил 27 февраль.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари түғрисида”ги ПҚ-1533 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий-меъёрий хужжатлари

- 3.1. “Жаҳон адабиёти” журналини ташкил этиш түғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори. 1997 йил 27 февраль. // Халқ сўзи, 1997 йил 1 март.



3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон.

IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги нутқи. Халқ сўзи, 2007 йил 15 август.

4.3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон – пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. Халқ сўзи, 2007 йил 23 февраль.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

5.1.Алимжанова З.Й., Тўлаганов А.Н., Саҳна нутқи. – Т., Модул, 2005.

5.2.Джулдиқараева Х. Саҳна нутқи (Талаффуз техникаси). – Т., ЎзДСИ, 2008.

5.3.Джуманов И. Саҳна нутқи – Т., Ўзбекистон миллий фалсафашунослар жамияти, 2007.

5.4.Исройлов М. Диалоглар устида ишлаш. – Т., 1996.

5.5.Нурмухаммедова Ў. Саҳна нутқи. – Т., ЎзДСИ, 2008.

5.6.Носирова А Саҳна нутқи. – Т., Фан 2013

5.7.Тўлаганов А. Шеърий асарлар устида ишлаш маҳорати. – Т., 2006.

5.8.Тўлаганов А Саҳна нутқи. – Т., 2009.

5.9.Ходжиматова М. Саҳна нутқи. – Т., Янги аср авлоди, 2011.

5.10. Холиқулова Г.Э. Саҳна нутқи (тарихий спектакллар мисолида). – Т., ЎзДСИ, 2008.



ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот түри	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар модулининг мақсади.	Маъруза	2	Ойнинг 2 ҳафтаси
2.	Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.	Маъруза	2	Ойнинг 2 ҳафтаси
3.	Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, қўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш.	Амалий	2	Ойнинг 3 ҳафтаси
4.	Интернет сайтларидан Россия, Озарбайжон санъат олийгоҳларида “Саҳна нутқи” модули бўйича яратилган янги адабиётлар билан танишиш.	Мустақил таълим	2	Ойнинг 4 ҳафтаси
Жами:			8	



ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-мавзу:

Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар модулининг мақсади

(маъруза –2 соат)

Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Тингловчилар сони: 15-30 та	
Машгулом тури	Маъруза (ахборотли)
Маъруза режаси	<p>1.Саҳна нутқи модулининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар</p> <p>2.Саҳна нутқи инновациясида жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидағи туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятлари.</p> <p>3.Саҳна нутқи модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорлик масалалари.</p>
Ўқув машгуломининг мақсади: Саҳна нутқи фанини ўқитиш методикаси инновациялари модулининг мақсади бўйича билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • саҳна нутқи модулининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар билан таништириш; • саҳна нутқи инновациясида жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидағи туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятларини очиб бериш; • саҳна нутқи модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорлик масалаларини ўргатиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • саҳна нутқи модулининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омилларни айтиб берадилар; • саҳна нутқи инновациясида жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидағи туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятларини тартибли равища очиб берадилар • саҳна нутқи модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорликни айтиб берадилар.
Ўқитиши усуллари	Маъруза, ақлий ҳужум, сухбат, якка машғулот
Ўқитиши шакллари	Фронтал, жамоавий, гурухларда ишлаш
Ўқитиши воситалари	Маъруза, тарқатма материаллар, слайдлар.
Ўқитиши шароитлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаши	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар Ёзма сўров: реферат ва бошқ.



Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим оловчичи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (10 дақиқа.)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қиласди. Модул бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий хужумга тортиш учун мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза бўйича визуал материаллар ва слайдлар намойиш қиласди. (2- илова). (1,2,3,4,5,6,7 слайдлар)</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Сақна нұтқи инновациясида жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги туб ўзгаришлар бўйича тингловчилар билан сухбат уюштиради.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, холосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиласди.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиласди.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p>
4 босқич. Якун ясаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>



1-илова

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий мұаммолар ечиш тоясыни жамоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақрорланаёттан бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гурухлаштириш мумкин.
6. Гурухнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар

1. “Сақна нұтқи модулини үқитишидеги инновациялар” модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорликда қандай янги ғоялар мавжуд?
2. Мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисида қандай бадиий публицистик асарлар мавжуд?



КҮРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАР

**Саҳна нутқи фанининг
шаклланиши ва
такомиллашишидаги
асосий омиллар**

**Саҳна нутқи
инновациясида
жамият
тараққиёти ва
ижтимоий ҳаёт
соҳаларидағи туб
ўзгаришларининг
ифодавий
хусусиятлари.**

**Саҳна нутқи
фанини ўқитиши
методикаси
инновациялари**



**Саҳна нутқи
фанида ижодий
изланишлар ва
инновацион
ҳамкорлик
асослари.**


**Мустақиллик ва жамият
тараққиёти тўғрисида
фикрлар қандай бадиий
публицистик асарлар
ранг-баранглиги**


Маъруза ва маърузачининг характеристи

Ранг	Аҳамияти	Фикрлаш тарзи ва далиллаш
Оқ	Оқ ранг – бетарафлик ва ҳаққонийлик	Оқ рангли йўналишдаги фикрлаш факт ва далилларга кўра маълумотлар сони фаолияти ахборотидир.
Қора	Қора ранг – хира, кўримсиз ва қоронғу.	Қоронғу фикр негатив аспектларнинг нима сабабдан мавжуд эмаслигини аниқлайди.
Яшил	Яшил ранг яшил майса таъсуротида ниш ураётган кўкаламзор туйғусини беради.	Яшил фикрлаш жараёни янги ғоялар ва ижодий изланишлардан далолатдир.
Сарик	Сарик ранг қуёш нури билан мутаносибликни билдиради ва завқ ҳамда ижобий муносабатлар тимсолидир.	Сарик ранг кўтарикилик ва ишончнинг мустаҳкамлигидир. У умид ва ижобий фикрлар уйғунлигини намоён қиласди.
Кўк	Кўк ранг совуқ ҳамда бутун борлиқни қамраб олувчи осмоний кўм-кўклини билдиради.	Кўк ранг фикрлаш жараёнларини ташкил қилиш ва назорат қилишни билдиради.
Қизил	Қизил ранг огохлантирувчи ва хиссиятни фаоллаштирувчи хусусиятга эга.	Қизил ранг хиссий эмоционал муносабатлар, нигоҳ ва қарашлар ифодасидир.









2-мавзу

Муаллиф асарида ҳарактер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати

(маъруза –2 соат)

Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти– 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
Машғулот тури	Маъруза (ахборотли)
Маъруза режаси	<p>1. Таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йұналишларида замон қаҳрамони тимсолларини танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятлари.</p> <p>2. Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллиги шарт-шароитлари.</p> <p>3. Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр түйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳорати үйғунлиги.</p>
<p align="center">Үқув машғулотининг мақсади: Муаллиф асарида ҳарактер ва образларнинг ички кечинмалари ижрочилик маҳоратининг назарий ва амалий хусусиятларини ёритиш.</p>	
Педагогик вазифалар:	Үқув фаолияты натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йұналишларида замон қаҳрамони тимсолларини танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятлари ҳақида тушунчалар бериш; • замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллиги шарт-шароитлари ва унинг сұз хатти-харакатидаги назарий-амалий жараёнларини очиб бериш; • танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр түйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳорати үйғунлиги ҳақидаги вазифа ва тавсияларни бериш; 	<ul style="list-style-type: none"> • таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йұналишларида замон қаҳрамони тимсолларини танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятларини ўрганиш ва ўзлаштириш; • замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллиги шарт-шароитларини айтиб берадилар; • танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр түйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳорати үйғунлиги ҳақидаги вазифа ва тавсияларни айтиб берадилар;
Үқитиши усуллари	Маъруза, блиц сұров, якка машғулот
Үқитиши шакллари	Фронтал, жамоавий гурухларда ишлаш
Үқитиши воситалари	Маъруза, тарқатма материаллар, слайдлар
Үқитиши шартлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гурухлар билан ишлаш учун мұлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	<p>Оғзаки назорат: савол ва жавоблар</p> <p>Ёзма сұров: реферат ва сценарийлар</p>



Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим оловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (10 дақиқа.)	<p>2.1. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.2. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича слайдлар намойиш қиласди. (2- илова). 1-2-3-4 слайдлар</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Мавзу бўйича маъруза, тарқатма материаллар тарқатилади.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, холосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама киласди.</p> <p>3.3. Ёзадилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p>
4 босқич. Якун ясаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим кўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради:</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқни ёзиб оладилар.</p>



Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясина жамоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрлант ҳаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қофозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақрорланаётган бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурӯҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурӯҳ муаммосини ечиш учун гурӯхлаштириш мумкин.
6. Гурӯхнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар

1. Таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йўналишларида замон қаҳрамон тимсоллари қандай танланади ва таҳлил қилинади.
2. Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллигини оширувчи вазифалар ҳақида фикрингиз?
3. Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр туйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳоратига эришиш воситалари нималардан иборат?



Күргазмали материаллар

1-слайд

Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижро чилик маҳорати

- Таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йұналишларыда замон қаҳрамони тимсолларини танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятлари.
- Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллиги шарт-шароитлари
- Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр түйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳорати үйғунылығы
- Ҳарактер ва образ яратилишида ҳаётий күзатувлар ва бадий асарлар талқини ҳамда уйғунылығы
- Биографик қиссалар ва улар қаҳрамонларининг ички кечинма ва ҳарактерларини яратышнинг ифодавий жонлантириш тизимлари
- Салбий ва ижобий образ ва ҳарактерларда қарама-қаршилик хусусиятлари

2-слайд

“Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир құдратли восита борки, у ҳам бўлса сўз санъати, бадий адабиётдир”.

“Юксак маънавият енгилмас куч” И.А. Каримов.



Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.

Муаллиф асарини чукур ўрганиш ва теран англаш

Асар персонажалари ва қаҳрамонларининг хулқатвори, мақсад ва интилишлари, хоҳиш ва иродаси ҳамда ҳатти-харакат тизимларини ўрганиш

Персонаж ва қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, олий мақсади ва унинг ҳатти-харакатдаги ифодавийлигини шакллантириш

Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.

Муаллифнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти

Асар воқеалар тизимида персонаж ва қаҳрамонларнинг ҳаётий ҳаракат йўли

Асар персонажларининг ҳарактерлари ва ўзига хослиги

Асар персонажаларининг воқеалар ривожига муносабати

Асар персонажари ва образларнинг ички кечинмалари ва унинг жонли сўздаги ифодаси

Асар қаҳрамонлари нутқидаги ғоявий, фалсафий, бадиий таъсирчанлик кудрати

Асар воқеаси ривожида қаҳрамонлар ички кечинмаси ва унинг жонли сўздаги ифодавий ранг-баранглиги



3-мавзуу

Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш

(амалий машғулот – 2 соат)

Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 10-15 нафар
Амалий машғулотининг шакли	Билим ва кўникмалари чукурлаштириш бўйича амалий машғулот.
Амалий машғулотининг режаси:	1. Телевидение ва радио дастурлари учун лойиха ва у асосида сценарий яратиш тизимлари; 2. Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларида жонли сўз ва унинг ижрочилик маҳороти; 3. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлаш ва бошловчилик маҳорати.
Амалий машғулотининг мақсади: Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш ижодий жараёнларини ва унинг услубий асосларини ёритиши.	
Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари: Тингловчилар: - телевидение ва радио дастурлари учун лойиха ва у асосида сценарий яратиш тизимларини санаб берадилар;</p> <p>- ижтимоий-маданий, маърифий дастурларида жонли сўз ва унинг ижрочилик маҳорати тўғрисида аниқ билимга эга бўладилар;</p> <p>- кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлаш ва бошловчилик маҳорати бўйича билимларни ёрита оладилар.</p>
Ўқитшии усул ва техникалари	Амалий топшириқларни бажариш, слайдлар намойиши
Ўқитшии воситалари	Тарқатма материаллар, слайдлар
Ўқитшии шакллари	Фронтал, жамоавий ва гурухларда ишлаш.
Ўқитшии шароитлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминлангангурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаши	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар, якка тарбидаги ижролар



Амалий машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	Тингловчининг
1-босқич. Кириш (5 дақиқа)	<p>1.1. Амалий машғулотининг мавзуси, мақсади, кўзланаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. Баҳолаш мезонлари билан таниширади.</p> <p>1.2. Амалий машғулотда тингловчилар индивидуал тарзда амалий машғулот бўйича тақдимот слайдларини тайёрлайди</p>	Диккат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (65 дақиқа)	<p>2.1. Билимларни фаоллаштириш учун диққатни жалб қилувчи саволлар беради:</p> <p>1. Телевидение ва радио дастурларидағи оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадији пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?</p> <p>2. Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларда жонли сўзва унинг ижро маҳорати билан эътибор қозонган таниқли сўз усталари, нотиқлар ҳақидаги таҳлилий фикрларингиз?</p> <p>3. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлашда бошловчилик маҳорати ҳақида фикрингиз?</p> <p>2.2. Тингловчилар билан савол жавоб уюштиради. (1-илова).</p> <p>2.3. Бажарилган топшириқларни текширади.</p> <p>2.4. Тингловчиларга индивидуал тарзда “Ижро маҳорати намуналарини тайёрлаш” вазифасини беради. Ижро маҳоратини намуналарини тинглаб, фикр мулоҳазаларини ифодалайди</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, саволлар беришади.</p> <p>Тинглашади.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, саволлар беришади.</p> <p>Тинглашади, фикрлар аниқлаштирадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Ўқув фаолияти натижаларига якун ясайди. Топшириқларни тўғри ва тўлиқ бажарган Тингловчиларни баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: тақдимот слайдларини тайёрлашни вазифа қилиб беради. Визуал материаллар тарқатади. (2- илова)</p>	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, вазифани ёзиб оладилар

Саволлар

1-илова

1. Телевидение ва радио дастурларидағи оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадији пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?
2. Телевидение ва радио дастурларидағи оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадији пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?
3. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлашда бошловчилик маҳорати ҳақида фикрингиз?



2-илова

Күргазмали материаллар

1-слайд

**Телевидение ва радиода турли дастурлар
(сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий,
кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва
уларни олиб бориш.**

Телевидение ва радио
дастурлари учун
лойиха ва у асосида
сценарий яратиш
тизимлари

Ижтимоий-маданий,
маърифий
дастурларида жонли
сўз ва унинг
ижрочилик маҳарати

Кўнгил очар
интерактив дастурлар
тайёрлаш ва
бошловчилик маҳорати

2-слайд

**Телевидение ва радиода турли дастурлар
(сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий,
кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни
олиб бориш.**

Телевидение ва радиода
турли дастурлар лойиҳасини
яратиш

Лойиха сценарийсини яратиш

Сиёсий-ижтимоий
мавзулардаги лойиха
ва сценарий

Маданий ва мъарифий
мавзулардаги лойиха
ва сценарий


Кўнгил очар интерактив
мавзуларда лойиха ва
сценарий





Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш.







МАЪРУЗА МАТНИ

1-Мавзу. Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар модулининг мақсади

Режа:

- 1. Саҳна нутқи модулининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар**
- 2. Саҳна нутқи инновациясида жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятлари.**
- 3. Саҳна нутқи модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорлик масалалари.**

Инсоний фаолиятнинг ижтимоий, маънавий-марифий, маданий ҳамда кундалик ҳаётий, муомила-мулоқот, муносабат, истак ва интилишларининг асосий ифодавий мулоқот воситаси бўлган тилимизнинг ҳар жиҳатдан мазмунли ва таъсирли бўлиши, ҳар бир шаҳс, ижодкор ва мутахасиссларнинг тезкор тараққиёт жараёнларига ҳамоҳанг вазифаларидан биридир. Санъат ва маданият йўналишидаги педагогмутахасисликларининг “Саҳна нутқи” предмети доирасида тавсия қилинадиган назарий ва амалий ижодий тушунчалар, бадиий сўз ижро маҳоратининг назарий ва амалий ижодий ижро асослари, вазифалар, услубий ёндошишлар, инсоний нутқий фаолиятнинг мазмунли ва таъсирчананик, равон ва бетакрор бўлиши ҳамда миллий истиқлол ғояларининг бадиий сўз маҳоратидаги ифодавий таъсирчанлигини ошириш, бадиий мукаммаллигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Сўз санъатининг ижтимоий, маънавий маърифий, ўрни аҳамияти ва вазифалари даврий долзарб муаммоларнинг оламшумул жараёнлари сабаб тобора кенгайиб бормоқда. Таъкид жоизки, фикр ва мулоҳазаларнинг таҳлилий ёритилишида, бадиий сўзимизнинг мазмунли, гўзал, бетакрор, равон ва таъсирчанлиги ҳақида мақсадлар белгиланган экан, уни мантиқий тизими ҳамда баёнида ёзма ва оғзаки нутқнинг гўзаллиги мазмундорлиги ва мантиқий изчилигига ҳам эътибор қаратилди. Сўз санъати ҳақида билдирилган ва ёритилган жонли сўзнинг ифодавий шакли ва мазмuni ҳам бадиийликка яқин тилда баён қилиниши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Инсоният ақл ирода, мулоқат ва муомила маданияти уйғунлигига амалга ошириладиган шароит билан юзма-юз. Жаҳоннинг турли нуқталарида содир бўлаётган, ҳар биримизни ҳавотир ва ташвишга соловчи геополитик холатлар, асорати асрларга таътири, тизгинсиз рақобат оқибатлари, қитъаларда ҳароратни ошириб юборишлар, қурғоқчилик, ҳосилсизлик, ёнғин,



сув тошқинлари, океанларда довуллар, тўфонлар содир қилишга қодир “геофизик иқлим қуроллари”нинг таҳди迪 мавжуд хатардан кўз юмолмаймиз. Интернет тизими орқали ҳар сонияда жаҳонга чексиз-чегарасиз, керакли-кераксиз ахборот ва сир-синоат тарқалаётгани ва бунда инсон табиатига зид ва ёт тарғибот ташвиқотнинг таъсири мавжудлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Мамлакатлар аро содир бўлаётган зиддият ва келишмовчиликларга кудратли қурол кучи биланмас, “Илоҳий сўз” кудрати биланечим топиш зарур. Шундай шароитда вояга етаётган авлоднинг салоҳияти, дунёқараши, мушоҳадаси қайси томонга қараб йўналтирилиши эртанги қунимизни ҳал қилувчи ҳаёт-мамот масаласидир. Шак-шубҳасиз ўта огоҳлик, оқилона муносабат талаб қилувчи бундай тезкор ўзгаришлар оқимида, сўз санъати, нотиқлик маҳорати, бадиий сўз санъати ўзининг илоҳий яратувчилик, муомила ва муносабатлар уйғунлигини шакллантиришга ва мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши керак.

“Саҳна нутқи” ўкув машғулотлари жараёнида, ҳар қандай илғор педагогик технологияларини, интерфаол усулларини жорий қилиш жараёнидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ижодий-илмий, касбий, амалий фаолияти тил забон билан боғлиқ актёр, режиссёр, нотиқ, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот, оммавий ахборот тизимларида сухандон, бошловчи ва бошқа турли соҳа вакиллари учун ҳам бу муҳим аҳамият касб этади. Мазмунли таъсирчан равон ва фаол ифодавий имкониятларини ўрганиш ва жорий қилиш учун, ўз нутқини ўстириш, фаоллаштириш йўлида нутқий техник кўникмалар эркинлиги ва фаолллиги рангбаранглигига эришиш, сўз билан ишлашнинг услубий амалий ижодий асосларини ўрганиши бадиий сўз маҳоратига эришишнинг асосий омилларидан биридир.

Ҳар бир шахс, мутаҳассис ўзи яшаётган давр, муҳитнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий тараққиёт жараёнларга синчков жиддий ва чуқур эътибор, эътиқод ҳамда муносабатлари, миллий истиқлол ғоялари билан руҳлангани, умуминсоний ақидалар ва фалсафий қарашлар билан мустаҳкамланганининг ўрни ва аҳамияти катта. Ўз ўрида бу хусусиятлар ижро маҳоратининг ғоявий, фалсафий, таъсирчанлигини мустаҳкамлайди. Таъкидлаш жоизки, бакалавриат йўналиши, ўкув машғулотлари жараёнида, тингловчиларнинг ижро имкониятлари ранг-баранг ва кўпқиррали, мазмундор ва таъсирчан, аниқ ва равон, мақсадли, ижодий ижро кўникмаларига эришилади, санъат таълими педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимларида янги вазифалар ва талаблар асосида, янада юқори даражада белгиланган вазифалар доирасида тақдим қилинаётган билим ва кўникмалар такомиллашиши ва мустаҳкамланиши лозим. Аммо



магистрантлар ичидә педагогик фаолиятта йўналтирилган магистрантлар борки, улар актёрлик маҳорати, саҳна нутқи ва бошқа мутахассислик ҳамда гуманитар модуллардан дарс беришга жалб қилинадиган ёш мутахассисларга “Саҳна нутқи” модулининг барча босқичларидаги, техник қисм ва сўз устида ишлашнинг ижодий жараёнларини тақорорий мустаҳкамлаши ҳам эътиборлидир. модул ўқитувчисидан мазмунли ва унумли изланишларни талаб қиласди. Вазифалар тизимининг яна бир муҳим жиҳати борки, уни ўзлаштириш “Саҳна нутқи” модули мутахассисидан кўп вақт ва эътибор қаратиши зарур. Бу педагогик фаолиятта йўналтирилишида, уларнинг кенг, чуқур ва мукаммал билимга, ижодий мушоҳадага, изланувчанликка, амалий ижро маҳоратига, сўз бойлиги ва нотиқлик маҳорати талабларини эгаллаб боришини тақозо этади, шак-шубҳасиз бундай имкониятга эга иқтидор ҳаммада ҳам бир ҳил эмас. Ҳар бир шахснинг ўзига ҳос бетакрор ва ибратли фикрга эга бўлиши ва ўша фикрнинг жонли мазмунли таъсиридан тилда ифодаланиши азалий ва абадий тақомиллишиб борувчи вазифалардан биридир.

Ёш авлоднинг ақлий, интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, мушоҳадаси классик ва замонавий ўзбек ва замонавий бадиий адабиётнинг энг нодир ва сараланган намуналарига меҳр қўйиши, ўқиши ва ижодий фаолиятига сингдириши, вазифаларидан кўз юмиб бўлмайди.

Инсон руҳиятини жунбушга келтирувчи, ҳаёлот тизгинини фалаж қилувчи, ур-ийқит, бузғунчилик ва бошқа инсониятга зид ёт ғоялар акс этган, адабиётлардаги, “супер-боевик” ғайриоддий монстрлар талқин қилинган ва улар асосида, экранлаштирилаётган фильмлар, мультфильмлардан таъсиrlаниб қизиқиб кетишилари оқибати кутилмаган қўнгилсизликларга йўл очиши эҳтимолига лоқайд қарамаслигимиз ҳаёт, замон ва давр талабидир. Бугунги кунда санъат дунёси, бадиий адабиёт китобхон ёки томошибинларнинг имкон қадар кўп ва катта қатламларини қамраб олишга қаратилган ва унда инсон тасаввури ва онгини ҳайратларга, хатто ларзага солиб қойил қолдирадиган, ҳаттоки даҳшатга соладиган образлар яратилаётгани ва бунинг улғаяётган онгига ва муносабатларига таъсиридан кўз юма олмаймиз.

Таълим тизимида энг таъсиричан, прогрессив интерфаол ифода воситалари яратилишига бўлган муносабат, эжтиёж, талаб ошиб бориши табиий. “Интерфаол ифодавий ёндошиш” илдизлари санъат ва маданият йўналишларида азалдан чуқур, кенг изланишлар жараёнда олиб борилувчи асосга эга. У театр, кино, эстрада, радио ва телевидение санъатининг азалий йўлдоши, театр ва кино санъатининг атоқли етакчилари шакллантирган ва тақомиллаштирган ва ўзининг ҳаётий ўрни аҳамиятини топган мактаб



доирасида жамланган. Интерфаол ёндошиш белгиланган мавзу-аудиториядаги барча тингловчиларни қамраб олувчи, ўтказувчи шарт-шароитлар танлаш, мавзуни ёритадиган ва тингловчига ўтказадиган саволлар тузиш, тарқатма материаллар тайёрлаш, тарқатищ, мавзуни ёритишида электрон воситалар орқали шакллар, тасвиirlарни тадбиқ қилиб, мавзунинг ўзлаштирилишида ҳаммани фаол фикр-тушунча, таҳлил хулоса билан ёндошишга эришишидир.

Театр, кино, телевидение, эстрада, радио, қўғирчоқ театри санъатида профессионал малакали кадрлар тайёрлашда, илк босқичданоқ тингловчи ва устоз орасида мулоқот-муносабатнинг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланиши, интерфаол асосга, яъни муайян модул унинг қонун-қоидалари тингловчига турли тарздаги фаол тасаввур, фикр, тушунча, кўникмалар қабул қилиш, чукур англаш, таъсирланиш, фикрлаш ва уни фаол муносабат тарзида партнёрига, тингловчиларга етказиш тарзининг, турли, бетакрор ифода воситаларига ижобий ёндошилган ҳолда тақдим қилишга қаратилгани ва бунда интерфаол ифода воситаларисиз, уларни тасаввур қилиш қийин. Гуманитар, ижтимоий Модулларда, бугунги кунда кенг жорий қилинаётган, масофали ўқитиши, интернет орқали жаҳон таълим тизимидағи энг янги, энг сўнгти ютуқ ва намуналаридан кенг фойдаланиш, тадбиқ қилиш, ўқитиши жараёнида кўргазмали, тасвири, тарқатма материаллардан кенг фойдаланишини жорий қилиш, муайян Модул доирасидаги энг сара ибратли намуналарини танлаб, тингловчилар орасида чукур таҳлил қилиш, уни сингдириш, танланган мавзуни тарқатма материал сифатида тақдим қилиб, тегишли адабиётлар, саволларни кўрсатиб дарс машғулотларида мавзуни ёритувчи, унинг мазмун-моҳияти ҳақида тингловчида аниқ тасаввур-тушунча, хулоса ҳосил қилувчи саволлар-жавоблар, мухокама, таҳлил билан мавзуни ўзлаштиришга эришиш ва бошқа бир қатор услубий ёндошишлар орқали намоён қилинишига қаратилган.

«Бадиий сўз маҳорати» предметида ҳар бир тингловчига талаффуз мукаммаллиги, овоз жозибаси, тембри, жарангдорлиги, бадиий сўз устида ишлаш, уни таҳлилий мантиқий бетакрорлигига эришиш, тингловчида мустақил фикр, тасаввур бойлигига эриштирувчи шарт-шароит, вазиятлар вазифалар тизими билан жалб қилиш, руҳан қувватлантириш, фикр, тасаввур-мақсад уйғунылигидаги, таъсирчан ифодавий воситаларни топиш, сингдириш ва турли жанрлардаги адабий мантларнимуаллиф ғояси, фалсафаси, мақсадини англаш ва англатиш иқтидорини мустаҳкамлаш, асарнинг руҳий эмоционал бадиий таъсирчан имкониятларидан руҳлантириб, ҳар қандай қатламни қамраб оладиган энергетик түфённи мужассам қилгувчи, ижодий ижро маҳоратини шакллантиришни белгилайди. Бу теран ва кенг қамровли



ижодий изланувчанликни талаб қилувчи интерфаол ёндошув ҳамда маъсулиятли вазифадир.

Ўқитишининг интерфаол асосларини янада замонавий шарт-шароитлар ва талаблар даражасида фаоллаштириш вазифаси, ҳар бир магистрант олдига кенг кўламдаги ижодий изланишлар, малакасинини доимий ошириб бориш, ечимини топиш зарур вазифалар турганлигини унитмаслик лозим.

Олдимизга қўйиладиган мустақил таълим доирасидага яна бир долзарб вазифалардан бири, театр, кино, радио телевидение, эстрада санъати доирасида ташкил қилинган ижодий фестиваллар, мастер-класслар, тақдимотлар ва ижодий учрашувларида фаол иштирок этиб актёр, режиссёр ва бошқа мутахасиссларнинг фикр, мулоҳаза ва ижодий чиқишлирини кузатиш, таҳлил қилиш, ўрганиш, ўқув машғулотларда таҳлил қилиш ва қўллаш, бадиий сўз маҳоратига тааллуқли ҳамма актёрлик, режиссёрлик ўқув тренингларда нутқ техникаси бўйича ўзлашрилган энг сара ибратли намуналар ҳамда адабий парчалар, шеър, масал, ғазал, монологлар ижроси бўйича энг тўлақонли намуналарни ўрганиш вазифалари ҳам белгиланади, шунингдек, ўқитувчи кузатувида “Саҳна нутқи” модулининг ҳамма йўналишларида нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг таҳлилий ифодавий жараёнларида иштирок этишлари ўзлатириб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Олий таълим тизимида етук, тажрибали педагог, олимлар узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, жамиятимизнинг маънавий, интеллектуал салоҳиятини кенгайтирадиган, давлатимизнинг ижтимоий ва илмий техник тараққиётини тақомиллаштирадиган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожини таъминлайдиган, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва тақомиллашуви жараёнида ҳар бир шахс ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имкониятини яратадиган изланишлар, таҳлиллар, илмий хуносалар олиб борилмоқда. Педагогик тажрибада, замонавий педагогик технологияларига тингловчиларни қизиқтириш, мустақил ишлашида фаолликларини оширилишида имкониятлар чексиз эканлиги таъкидланмоқда. Таълимнинг бугунги вазифаси тингловчиларни ахборот таълим муҳити шароитида, мустақил фаолият кўрсата олишига, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат деб белгиланган. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, модул, маданият, таҳника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг тақомиллашган тизимиға амал қилишга эришишdir. Шу вақтгача анъанавий таълимда тингловчиларни тайёр билимларни эгаллашга ўргатилар эди. Бу усул тингловчиларни мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликларини сўндириши қузатилган. Ҳозирги кунда таълим интерфаол услублар



(инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб таълим самарадорлигини күтаришга бўлган қизиқиш ортиб бормокда.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик яратиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда тингловчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол услублардан фойдаланилади. Интерфаол (“Inter”-бу ўзаро, “ast”-“Ҳаракат қилмоқ”) ким биландир сухбат, мулоқот тартибида бўлишини англатади.

Яъни ўқитишининг интерфаол услубиятлари: билиш ва коммуникатив фаолиятини ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар. Услубнинг ўзига хослиги: тингловчи дарс давомида мустақил, фаол фикрга, ижод қилишга, изланишига йўналтирилади, тингловчи ўкув жараёнида доимий Модулга қизиқиши таъминланади, тингловчи мустақил ҳар бир масалага қизиқиши, ижодий ёндошиш кучаяди, устоз ва шогирднинг ҳамкорлигидаги фаолият доимий мустаҳкамланади.

Педагогик технология аниқ кетма-кетлиқдаги жараён бўлиб, у тингловчи ва педагогнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланган, натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Инсон ва инсониятнинг тенгсиз қудрат, муаззам ҳикмат, саховату ҳимматга эришишида ибтидо ва абадият оралиғида не-не беназир хусусиятларни содир қилишга қодир олий аҳд, эзгу тилақ, мақсад, ҳохиш, ирова, фикр туйғуларимизни англатувчи лутфимиз-забонимиз, жонимиз, жаҳонимиз, замину замонимиз баробарида ўзлигимизнинг асл сийрати ва суврати рамзи сифатидаги сўз санъатининг қиммати ва қудрати миллатни бирлаштирувчи, уни тараққиётга, комилликка, юксакликка чорловчи, руҳлантирувчи, кувват берувчи, етакловчи табиати ҳақида, фикрлар, мунозара ва мулоқатларга доимо илҳақмиз. Зеро, сўз мукаммаллигини, адабий тилимиз ҳазинасини асраш, ҳар биримизда мавжуд ирова ва ифодададир.

Бўлғуси ёш мутаҳассисларнинг бу борада ўз мақсадлари ва унинг амалга оширилишида аниқ белгиланган вазифалари бўлиши аҳамиятлидир. Аввало бадиий сўз маҳоратида мустаҳкам амалий ижодий ижровий имкониятига эга бўлиши учун бадиий сўз ижрочилиги учун танланадиган бадиий матнларнинг танланиш, таҳлил ва талқин хусусиятлари ҳамда унинг юксак бадиий ижро даражасига эришишнинг тамойиллари шакллантирилиши лозим. Сиртдан қараганда бу ўз-ўзидан содир бўладиган кундалик ҳаётий жараёндай туюлади, аммо узоқ йиллик педагогик тажриба, кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўз санъатининг ҳаётбахш қудрати ва ҳикматига эришиш катта меҳр, эътиқод ва ирова



уйғунлигига эришиладиган қунт, сабр, бардош интилувчанлик, меҳнат маҳсулидир. Бадиий сўз уммонининг битмас туганмас ибратли манзараларини ҳис этиш ва яратиш завқи, фаолияти бадиий сўз санъати билан боғлиқ ҳар бир соҳиби даврон учун орият ва ғурур тимсоли бўлиб қолиши лозимдир. Саҳна нутқи техникаси ва ижро маҳоратини такомиллаштириш учун яратилган кўплаб машқлар, маҳсус мураккаблаштирилган холатда тузилган матнлар тўпламлари ва уларнинг таҳлилий асослари ҳамда ижро хусусиятлари тақорланиши ўринлилигини эътироф этамиз. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ижодкор шахснинг, бадиий сўз маҳоратини кенг ва чуқур ўзлаштириши, бугунги ва эртанги кунимизнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:

1. “Саҳна нутқи модулини ўқитишидаги инновациялар” модулининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий босқичлар.
2. Жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятларида Саҳна нутқи модулининг вазифалари нимадан иборат?
3. “Саҳна нутқи модулини ўқитишидаги инновациялар” модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорликда қандай янги ғоялар мавжуд?
4. Мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисида қандай бадиий публицистик асарлар мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимжонова З.Й., ТўлагановА.Н., Саҳнанутқи. – Т., Фан, 2005.
2. Носирова А. Жонли сўз санъати. – Т., Мусика, 2010.
3. Жуманов И. Саҳна нутқи. –Т., Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти, 2007.
4. Сайдов У. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Т.: Академия, 2007.
5. Тўлаганов А. Шеърий асарлар устида ишлаш маҳорати. – Т., 2006.
6. Ходжиматова М. Саҳна нутқи. –Т., Янги аср авлоди, 2011.



2-Мавзу. Муаллиф асарида ҳарактер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати

Режа:

- 1. Таниқли адилар асарларидан танланган мавзу йўналишларида замон қаҳрамони тимсолларини танлаш ва таҳлил қилиш хусусиятлари.**
- 2. Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллиги шарт-шароитлари.**
- 3. Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр туйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳорати уйғунлиги.**

Актёрлик, режиссёрлик санъати ва унинг бадиий сўз маҳоратида сўз хатти-ҳаракатининг қўп қиррали тамойиллари ҳар бир изланувчи,ижодкор томонидан турлича ёндошаётганликларини кузатиш мумкин. Ўзбекистон халк артисти Малика Иброҳимова таниқли режиссёр Эргаш Мусафоевнинг асар таҳлили ва сўз устида ишлаш жараёнларини шундай эслайди:“Энг мураккабликлар,қарама-қаршиликлар билан ролларда ишлаган санъатда изланишга йўллаган,қийинчиликларни ҳис қилишга,фикрлашга унданаган устозим Эргаш Мусафоев бўлган. Улар бир сўзнинг устида баъзан бир кун,хаттоқи, бир ой ҳам ишлар эдилар. Биз масалан, саҳнага чиқиб –“салом,” деймиз. Бу сўзни улар яна ва яна қайтартирганлар. Ҳеч тушунмас эдим,нима нотўғри? Бизларга тушинтирас эдилар,лекин биз тушина олмасдик. Йиллар ўтиб тушунганманки, биттагина “салом” деган сўзда бир оламни ташкил қиласиган борлиқлар бор.У борлиқ ўша турган жойи,у ерда нималар борлиғи,масалан инсон руҳиятида шундай нарсалар борки,биз бир хонада бошқача гаплашамиз, агар ўша ерда бир гул турса унда ўша гул таъсирида бошқача гаплашамиз.Қаҳрамонинг бутун руҳиятига таъсир қилаётган нарсаларни билиб, ўша қаҳрамонни эмас, унинг руҳиятидаги ана шу кечинмаларни чиқишини ҳоҳлаган эканлар Эргаш ака.Биздан сўзни эмас, қаҳрамоннинг сўз орқали, ички кечинмалари орқали кўрсатишимишни талаб қилганлар¹.

Сўз ва сўз санъати,унинг ҳаракатчан табиати,таъсирчан ифодавий кудрати,бадиий сўзнинг қалбимиз,онгимиз тасаввуримиз ва тафаккуримизга чукур кириб борувчи илоҳий ҳодисалардан бири сифатидаги инсоний фаолиятимизнинг мўъжизавий ҳодисалардан биридир. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний: «Одамнинг одамлиги, унинг иккита энг кичик аъзоси, тили ва дили билан намоён бўлади»-деб эътироф этади.

¹Камола Исаханова “Саҳнага содик санъаткор.” “Қалдириғоч” 2012\03.7-бет



Тафаккур ақл-заковат, сўз ҳатти-ҳаракатида ўзининг мукаммаллик ва қудрат мезонларини намоён қилади. Актёрлик ва режиссёрлик санъатида сўз ҳатти-ҳаракати ҳамда бадиий сўз маҳоратининг орасида қандай узвийлик ва ўзига ҳослик мавжуд деган саволга илмий, назарий ва амалий, ижодий жараёнлар таҳлилида катта педагогик ва ҳаётий тажрибага эга бўлган, сўз санъатининг кўп қиррали қатламларини чуқур таҳлил қилган устозлар хулосаларига эътибор, қаратамиз. Сўз санъати ва актёрлик санъати ижодий ижро жараёнларида мутаносиблик ва ўзига ҳос фикр ва ҳатти-ҳаракатнинг фарқланувчи ифодавий, ҳусусиятлари кузатилади. Сўз ижрочилигига томошабин билан мулоқот фаоллиги, сўз ҳатти-ҳаракати билан уйғун ҳолатда бадиий сўз таъсирчанлиги ва унинг ғоявий, фалсафий, қиммати муаллифнинг олий мақсадини чуқур ёритишга эътибор қаратилса, актёрлик санъатида эса қайд этилган асосий тамойиллар партнёрлар аро ҳатти-ҳаракат ва муносабатларнинг устиворлигидадир. Бадиий сўзда воқеа, тасаввур, фикр, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, образлар характеристи аниқ ижодий вазифалар асосида тақдим қилинади Мутаносиблик жиҳатлари эса матнни ижодий ўзлаштириш жараёнлари ва сўз ҳатти-ҳаракатининг бирлигидадир.

Маърузачи нотиқнинг, сўз устасининг асосий вазифаси одамлар образидаги характеристер, хулқ-атвор ва улар юзма-юз бўлган воқеани ўйнаш эмас, унинг ички дунёси фикр ва туйгуларини ўзига сингдириш ҳамда тасаввури билан мустаҳкамлаб ёритишидир. К.С.Станиславский -“Бадиий сўз устаси одамлар ҳақида гапирап экан, одамлар қисмати учун қайғуриб, улар ўрнида ҳаракат қила бошлайди, улар ҳаётига фаол аралашади, персонаж ва қаҳрамонлар дардини ҳис этади, шодлиги билан шодланади, у билан содир бўлаётган жараёнларга ҳайриҳохлик билан ёндошади”- дейди. Бадиий сўз устаси ҳикоялаётган воқеа унинг ҳаётий биографиясининг акси бўлиб жонланади.

У ўзи ҳикояқилаётган ҳаёт билан тасаввури ижодий Модултазияси орқали ўзлаштиради ва ўзи, чуқур фикрлаган ҳолатда ҳамма нарсага давр ва ғоя кўзи орқали қарашга юзланади. Бадиий сўз устасининг томошабинларга таъсир қила олиш маҳорати актёрик ижросига нисбатан сезиларли фарқланади. Чунки бадиий сўз ижрочилигига муаллиф фикри ғояси, мақсади сўз устасининг фикр ва қалб элагидан ўтказилган ҳолатдаги жарангдор овози, ҳаракат ва муносабат фаоллигига тақдим қилинади.

Теран фикр туйғуси билан элга манзур бўлаётган таниқли актёрларимиз: Ўзбекистон ҳалқ артистлари Афзал Рафиқов, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Элёр Носиров, Мухаммадали Абдиқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Ўткир Сиддиқов, Темирмалик Юнусов, Ойбарчин Бакирова, Бехзод Муҳаммадкаримов, Фатхулла Маъсудов, Мирзабек



Холмедов,бадиий сўз усталари:Санжар Саъдуллаев, Эрназар Ёрбеков, Мұхаммаджон Ҳўжаев, Абдимўмин Ўтбосоров, Дилдора Рустамова, Мадина Мухторова, Валижон Шамсиев, Раҳматулла Мирзаев, Мұслимбек Йўлдошев, Дилором Умарова, Насиба Мақсадова, Клара Мельникова, Файбулла Ҳожиев, Ботир Мұхаммадхўжаев, Дилноза Кубаева, Санобар Содикова, Элбек Мирзоҳидов ҳамда катта ижодий шиддат билан кириб келаётган ёшларимиз гўзал бадиий лутф намояндалари сафидан муносиб ўрин эгаллаша интилмоқдалар. Улуғ ёшдаги тингловчиларимиз ёдида бот-бот эсланадиган Сўз усталари Ўзбекистон халқ артисти Мұҳсин Ҳамидов, Шариф Қаюмов, Убай Бурхон, Қодир Махсумов, Ўқтам Жобиров Тўлғаной Юнусхўжаева Эмин Турдиев, Ғуломтожи Аълоев, Клара Ҳалирова, Клара Юсупова, Суннатилла Аҳмедов, Неъмат Эгамбердиев, Абдулла Матназаров каби сўз усталарининг катта ижодий йўлини ҳурмат эҳтиром билан ёдга оламиз. Бадиий сўз маҳорати ҳақида назарий ва амалий ижодий жараёнлар ҳақида сўз борар экан, биз бу ижодкорларнинг заҳматларини қайта-қайта назардан ўтказишимиз ўринли. Аслида номлари чуқур ҳурмат билан эътироф этилаётган бу бадиий сўз усталарининг ранг-баранг мавзулардаги ижролари жамланса, халқ ва миллатнинг баҳт саодати, унинг кундалик туриш-турмуши, умид орзулари, яхши ва ёмон кунлари, шодлигию мусибати, эзгу амаллари ҳақида жаранглаган, соҳир сўз, чуқур тадқиқотларга даҳлдор бўлишига ишонч уйғотади.

Чексиз чегарасиз коинот ва сайёрамиз доирасида содир бўлаётган оламшумул кашфиётлар, жозибадор ва мураккаб технологиялар, ҳайратомуз космик қурилмалар, тасвирга олиш ва узатиш мосламалари, дунёнинг ҳар бир нуқтасини қамраб олиб, инсониятга чексиз имкониятларни очиб берганлиги сўз хатти-ҳаракатимиз ва бадиий сўз маҳоратимизда ҳам акс этишини ёдда тутишимиз лозим. Таракқиётнинг мислсиз парвозлари, замину замондаги буюк ўзгаришлар инсон томонидан кашф этилди ва инсонга хизмат қилмоқда. Бу ўз ўрнида ўсаётган авлоднинг имконият қирраларининг очилиши, тафаккур-тасаввур, мушоҳада оламнинг кенглигида аҳамияти катта. Аммо инсоннинг комиллиги учун маънавият санъатининг нурли таъсир кучини изчил ошириб бориш эҳтиёжи ҳам катта. Ватан ва миллат туйғуси, инсонпарварлик, ҳақиқатпарварлик, яратувчилик каби муъazzам фазилатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши инсон ва жамият орасидаги ижтимоий муносабатларнинг соғломлиги ва камол топишида бадиий сўз санъати, унинг ҳаракатли ифодавий таъсирчанлик қирралари, сўзниң фалсафий қиммати, ўрни, аҳамияти ва вазифаларига бўлган талаб юк ва эътибор ошиб бормоқда. Мустақиллик туйғусига мушарраф жараёнлар сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз маҳоратига бўлган ишонч ва эътиборни янада



мустаҳкамлади, мамалакатимиз салоҳияти жамоли ва камолини нурафшон қилгувчи бадиий асарлар, қўшиқлар, бадиий сўзнинг ибратли мазмундор намуналари яратилмоқда, ўз ўрнида бу ноёб қалб илҳомлари, жонли таъсирчан бетакрор қудратли сўзда ижро этилмоғи, ҳалқимизнинг қалби ва тафаккурида ғурур, шукроналик туйғуларини уйғотмоғи даркор. Сўз ва сўз санъати инсоний ва миллий маданиятнинг кўзгуси, ижтимоий ҳаёт ҳамда тараққиётимизнинг ҳаракатлантирувчи манбаларидан бири, у доимо инсоний мукаммаллик ва олий мулоқот воситаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ҳар бир жамиятнинг дунё тараққиёт поғоналаридаги салоҳияти, илғорлик даражаси, обрў-эътибори, унинг шаклланиб такомиллашган илми, ақл-заковатига алоқадор. Қадимдан ва хануз ҳайратланарли қудрат тимсоли сўз ва сўздаги мақсад, ҳоҳиш, ирода, ҳаракат мезонлари орқали инсон ўзидағи ноёб ва муazzам ақл-заковати, истеъоди, илму-аъмоли, табиатдаги ўзига хос бетакрор хусусияти, иродаси, мақсади, нафрати, орзуларини ифода қиласи, олиму-уламо, шоири-фузало сўзнинг қудратига таянади, қабул қиласи дарду дунёсини ифода қиласи. Жаҳонга таникли буюк инсонлар, давлат арбоблари, саркардалар, сиёсатдонлар, олим ва донишмандлар, санъаткорлар сўз усталари, сухандонлар, етуклиқ даражасига эришгунларига қадар табиатнинг иқтидори билан англаш ва англатиш, сўзнинг мазмун маъноси, сехри қудратини ҳис қилиш орқали, хассос саботи ва меҳри билан сўз санъати оламига киришга эришганлар.

Жамиятимизжаҳонга ўзлиги кўрки, жамоли, салоҳиятини тобора намоён қилаётган бугунги кунда сўз ва унинг зиммасидаги вазифалар мажмуалари янада юксалгандай. Республикаизда театр, кино, радио, телавидение, таълим тарбия ва бошқа йўналишларда сўз санъати, нутқий маданият-маънавият ва миллий маданиятимизнинг асосий таъсир воситалардан биридир.

Илму кашфиётлар оламининг парвози билан тараққиётнинг қудратли ва мафтункор имкониятлари, янги-янги қирраларини намоён қилмоқда. Ўз салоҳияти Модули, санъат ва маданияти билан тобора жаҳонни баҳраманд қилаётган она юртимиз жилолари ўзлигимизни асл моҳиятимизча англатадиган ҳалқимизнинг хассос сўзи, ўткир нигоҳи борки, уни қадрлаш, асраш, ривожлантириш учун катта эътибор қаратган таълим ҳақидаги қонунимиз, қадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг босқичма-босқич амалга оширилиши Республикаиз илму-Модули санъатини энг юксак тараққий этган давлатлар сарасига олиб чиқишига ҳизмат қилиши, истиқболлари аник кўринмоқда. Сўз ва сўз санъатини инсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти тегирмонини айлантириб турувчи обиҳаёт сувига қиёс қилсак, унинг минг бир хусусиятларидан бирига жайдари таъриф берган бўлар эдик. Актёрлик



санъатида сўз хатти-ҳаракати ва бадиий сўз қудрати ва ҳикматига эришиш бадиий сўз маҳоратини мукаммал ўзлаштиришга интилган ижодкордан истеъдод, изланиш, тиришқоқлик, зукколик, диққат, хотира, юксак дид, сўзга бўлган катта меҳр ва чанқоқликни, унинг бой, ранг-баранг маъноларини англай олиш ва англатишга бўлган доимий эҳтиёжни талаб қиласди. Ижодкор сўз санъатининг ноёб ва қудратли сехри, жозибаси, гўзаллиги, таъсир кучини эгаллаши учун нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг услубий асос ва жараёнларини изчил-мукаммал ўзлаштириш билан бирга мустақил фикри, тасавур қамровининг бетакрорлиги, кенглиги, ижодий кашфкорлиги, актёрлик маҳорати, нутқий техник ва ифода маҳоратини мустаҳкамлаши ва мукаммалаштириб бориши лозим бўлади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтнинг “Саҳна нутқи” кафедраси театр, кино, радио ва телевидение санъатининг етакчи ва илғор намуналарига таяниб ўзининг изчил услубиятини ривожлантириш йўлида амалий, назарий манба яратишга эришди. Ўзбек саҳнавий сўз санъати шакланиши Н.Алиева, Л.Хўжаева, С.Иномхўжаев, А.Сайфуддинов, И.Пўлатов, М.Исройлов, И.С.Гринберг, З.Олим жонова, Р.Усмонова, М.Исмонов, О.Суздалъцева, А.Тўлаганов, К.Узоқов, Ў.Нур муҳаммедова, А.Носирова, С.Носиров, Б.Бобоназарова, Х.Джулдиқолраева, В.Ра тушний, А.Муродова, М.Ходжиматова, Г.Холиқулова, Р.Қодиров, Ш.Юсупов, Б. Маъдиев, А.Курбонов, Ф.Курбонова, У.Ибрагимова, Д.Жуманова, С.Содикова, Ф.Сайдова, Б.Джалолова, С.Икромов, Ш.Адилова, С.Ҳайбатова, Ш.Қодиров каби кўплаб навқирон ҳамда ёш ўқитувчиларнинг “Саҳна нутқи” педагогикасида баҳоли қудрат хисса қўшган ва қўшаётган устозларнинг самарали педагогик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу устозларнининг ҳар бири билан «Саҳна нутқи» педагогикаси, нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг турли тамойиллари ва жараёнлари ҳақида доимий мулокатда бўлганимиз, ёнма-ён фикрдош ҳамда ўз қарашларимизни ҳимоя қилиб, баҳс ва мунозараға киришганимиз ушбу қўлланманинг яралишида маълум даражада из қолдирган ва кези келса, кенгроқ ёритилиш асосларига эга деб биламиз. Аҳамиятлиси шундаки, бугунги кунда театр, кино, эстрада, радио ва телевидение санъатида самарали ижод қилаётган аллақачонлар томошабинлар қалби ва эътиборидан мустаҳкам ўрин эгаллаган, давлат унвонлари ва мукофотларига сазовор бўлган актёрлар ва режиссёrlарнинг ўкув аудиторияларда тингловчи сифатида ижро этган шеърлари, масаллари, адабий парчалари, ғазал ва монологлари, диплом ишларидаги яратган образлари тимсоллари ҳамда уларнинг сўз хатти-ҳаракати, бадиий сўз маҳоратидаги ижро ҳусусиятлари хотирадан ўчган эмас. Инсон ва инсониятнинг илоҳий қудрат, мўъжизавий ҳикмат, муazzзам ҳимматга эришишида ибтидо ва абадият оралиғида улуғвор табиатини намоён қилишида олий аҳд, истак ва интилиш



фикр туйғусини англаши ва англатишида ўзлигининг асл сиyrати ва суврати бўлган сўзнинг инсониятни бирлаштиргувчи, уни тараққиётга комилликка юксакликка чорловчи руҳлантирувчи, етакловчи табиати, қудрати ва ҳикмати ҳечқачон ўзининг асл қиммати ва ҳикматини йўқотмайди, тилимизнинг нечоғли таъсирчан қудрати ва ҳикмати ўзининг ҳар томонлама ҳаётий таъсирчанлик имкониятларини намоён қилган ҳолда инсоний соҳир фикрлар, унинг аслий мукаммаллигини мустаҳкамлаш мақсадида, адабий тилимиз ҳазинасини асрашга, бойитишга қаратилган оқилона ва одилона муносабат билан юкинган ирода ва ифода изхоридир.

Мустақил улуғвор йўлимиизда ҳамнафас, ҳамфикр бўлган миллий истиқлол мағкурамизнинг тобора равshan акс этаётгани тилимизга, сўз санъатимизга янада қамровли вазифаларни юклайди. Сўзимизнинг тарбиявий таъсирчанлик аҳамияти, ўрни, вазифаларига турли эътирофлар баробарида айrim эътиборсиз, кўнгилни тирнайдиган ҳолатлар туфайли тилимизнинг соғлиги, адабий аслий қиммати, таъсирчанлигига путур етишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада бўлғуси устоз педагог мақомига эришиш учун интилаётган тингловчиларга ҳам алоҳида маъсулият ва вазифалар қаратилган. Педагогларимиз ўзидағи адабий талаффуз меъёrlарини доимий мустаҳкамлаган ҳолатда бадиий сўз маҳоратида ибратли намуналарини бойитиб, такомиллаштириб адабий тилимизнинг гўзаллиги, бойлиги ва ривожига ҳисса қўшмоқлилари замон талабидир. Ноаниқлик, мавҳумлик, дидсизлик тупроғига қориштираётган ҳолатлар, миллий ўзлигимизнинг энг ноёб белгиларидан бири бўлган соф адабий тилимизни писта пўчоғига айлантиришдай ачинарли. Адабий тилимизнинг нурли манзаралари унинг театр, кино, телевидение радиодаги тарбиявий қудрати, миллий маданиятимиз, маънавиятимиз олдидағи вазифалар катта, бунга лоқайд қараш ўзи ўтирган шохга болта уриш билан баробар. Ўзимиз ўзлигимизнинг, миллатимизнинг теран фикри мушоҳадаси, қалби, ифодавий садоси бўлган сўз санъатимиз, адабий тилимиз доирасидаги доимий эътиroz ва эътирофларда катта мантиқ фикр ва дард борлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Сўз санъати инсоний истъодод, фазилат, маҳорат, нафосат, жасорат, шижаот сарчашмаларининг дуру гавҳари дейишимиз ўринли. Биз бугунги ва эртанги кунимизда ҳар кандай мураккаб муаммоларни, чигал масалаларни оқилона фикр ва қалб уйғунлигига ифодаланган таъсирчан сўз қудрати ва ҳикмати орқали ечим топиш мумкинлигига ишонамиз. Санъат таълимида нутқимизнинг чексиз ифодавий таъсирчанлик ифодавий имкониятларини мудом мустаҳкамлаб мукаммаллаштириб бориш орқали, яъни замон билан ҳамоҳанг, ҳамнафас, ҳамфикр бўлишда муҳим омиллардан бири бўлган тафаккур ва тилнинг эзгулиги ҳаётбахшлигига янада чуқур эътибор қаратишга



интиламиз. Бадиий сўз санъатининг инсон калбини синдирувчи умидсизлантирувчи камситувчимас, аксинча руҳлантирувчи, ишонтирувчи, улғайтирувчи руҳий қувват куч ишонч берувчи кучидан кенг ва устивор тадбиқ қилишни мақсад қилиб қўямиз. Нутқнинг таъсирчанлик тамойиллари мафкуравий ғоявий тарбиявий аҳамияти, вазифаларини замон ва замонавийлик ақидалари билан чамбарчас боғлаб эртанги кунимизнинг муҳим аҳамият касб этадиган масъулиятли юкини кўтара оладиган ижодкор актёр ва режиссёrlар ўз усталари, нотиклар, сухандонлар тарбияси зimmамиздаги бурч ва вазифаларнинг энг салмоқлисиdir. Нутқимиз ва бадиий сўзниng замон билан ҳамнафас бўлишидаги муҳим омиллдан бири тилниng таъсирчанлик имкониятларини доимо такомиллаштириб бориш аниқ, равон, бурро, жарангдор сўз ҳамда фикрлаш иқтидори лаёқати эркинлиги ва гўзаллигини шакллантириш ва ривожлантиришdir. Фикр ва фикрий қувват, фикрий жасорат ҳар бир шахснинг ўзига хос мустақил ва эркин фикри ва унинг ифодавий таъсирчан хусусияти инсоният томонидан доимо қадрланиб келинаётган фазилатdir. Сўзниng инсониятни бирлаштиргувчи, уни тараққиётга комилликка юксакликка чорловчи руҳлантирувчи, етакловчи табиати, кудрати ва ҳикмати ҳақида фикрлашдан ҳечқачон тўхтамаслик инсоний, ижодий истеъдод ва фазилат дейишимиз ўринли, илмий, маънавий-маърифий анжуманларда тилимиз ҳақида билдирилган соҳир фикрлар унинг аслий мукаммаллигини мустаҳкамлаш мақсадида адабий тилимиз ҳазинасини асрашга, бойитишга қаратилган оқилона ва одилона муносабат билан юкинган ирода ва ифода изхоридир, улуғвор йўлимизда ҳамнафас, ҳамфикр бўлган миллий истиклол мафкурамизнинг тобора равshan акс этаётгани тилимизга, сўз санъатимизга янада қамровли вазифаларни юклайди. Соф адабий тилимизга хурмат эътибор, меҳр кўрсатиш, асраш улғаяётган ёш авлоднинг қалби тушунчаларига сингдириш, тилимизнинг софлиги учун заҳмат чекаётган, уни бўлғуси актёрлар, режиссёrlар, нотиклар, бошловчилар тарбиясига чукур сингдираётган мутахассисларимиз бор. Қарши ва Самарқандда ва Тошкентда ўтказилган Республика санъат ва маданият йўналишидаги касб-хунар коллажлари ҳамда академик лицейларининг бити्रувчилари томонидан тайёрланган ва ўтказиладиган танловда, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида саҳналаштирилган спектаклларнингда саҳна нутқи, бадиий сўз алоҳида эътибор ва таҳлил остида ўтиб она тилимизнинг софлиги ва гўзаллиги, мукаммаллиги учун курашаётган «Саҳна нутқи» Модули мутахасисларининг ақлий салоҳияти иродасини англаш мумкин, эришилаётган натижалар умидбахш ва адабий ўзбек тилимизнинг ибратли намуналари йўлида узоқ ва изчил иш олиб борилаётганидан далолатdir. Аммо айrim ғализ, нуқсонли ва турли



шеваларда талқин қилиниб кўнгилсизликларга сабаб бўлаётган сўзнинг софлиги, мазмундорлигига путур етишига йўл қўйиб бўлмайди. Саҳнадан, экрандан сўз айтишга эришган ҳар бир ижодкорнинг тилимизнинг софлиги равонлиги таъсиричанлигини асрашга бўлган иқтидори, иродаси, маҳорати, сўзнинг софлиги бадиий тўлақонлиги учун масъул режиссёрнинг профессионал бурчи ва вазифаси туфайлидир. Бу ўринда биз Ўзбекистон санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси профессор-ўқитувчилари, республикамиздаги барча санъат ва маданият тизимидағи касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, тингловчилар нутқи устида ишлаб уни такомиллаштиришнинг минг бир жиҳатлари театр, кино, радио, телевидение она тилимизни ибратли ва намунали даражада тафаккуримизга сингдирувчи минбар, ундан бутун жаҳон ва мамлакатимизда содир бўлаётган жараёнлар маънавий-маъарифий, маданий ҳаёт ва турмушимизнинг минг бир тарзини тилимизнинг мукаммал, аник, бенуқсон ифодавийлигини аслида қалбимиз ва онгимизга сингишини истаймиз. Ҳар бир кўрсатувнинг асл мақсади, тояси мазмун-моҳияти ва албатта нутқий ифодасига масъул бўлган мухаррир ва режиссёрнинг зеҳнига, эътиборига қувват тилагингиз келади.

Саҳна ва экранда салмоқли тажрибага эришган, халқимизнинг том маънода хурматини, меҳрини қозонган, ўйнаган ҳар бир роли илиқ кутиб олинадиган актёрларимиз нутқий ифодасидаги бироз чапани, бироз эркин ва анча-мунча шевадаги иборалари тингловчилар, томошабинлар томонидан «эҳ, эсиз, шундай актёр, шундай гапириб юбордия» - деган кўнгилсиз таъналарига сабаб бўлади. Ва қанийди, шу ажойиб ижро соф адабий тилимизнинг ажойиб бетакрор ифодаси билан мустаҳкамлангандами деган синиқ тилак ўтади дилингиздан. Миллий театримизда саҳналаштирилаётган ҳар бир асар, таниқли театршунослар, драматург ва адиблар, режиссёrlар, актёрлархамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг мутахассис мураббийларининг қизғин мұхокамасидан ўтиб саҳнавий нутқ, адабий тил меъёрларига қанчалар амал қилинаётганига тегишли фикр муносабатларини билдирадилар ва бу ўзининг ижобий натижасини кўрсатади. Аммо кўп минг сонли кино, телевидение томошабинларига, радио эшитувчиларга тақдим қилинаётган она-ўзбек тилимизнинг ўзлигига хос нафосати, бутунлиги, ҳарорати ва шакл шамоили, тоти-ифори, мағз-мазмунини мустаҳкамлаш уни жаҳоннинг бой, латиф гўзал тилларидан бири сифатидаги ифодасини ўзлаштириш ва ўзининг бетакрор ижросида тақдим қилишга эришиш, мазкур кўрсатувга ёки эшиттиришга масъул режиссёр, ижрочи актёр ёки бошловчи ҳамда унга масъул мухаррирнинг профессионал бурчи, вазифаси эмасми - деган ўринли савол ичингизда аччиқ тутундай айланади. Шу муборак қутлуғ заминга киндик қони тўкилган, ўсиб улгайган миллатнинг ориятли, қадр-қимматли, ҳар бир вакили буни чуқур ҳис этиши ва унга ҳисса қўшиш замон билан хамнафас лутф соҳиб бўлишимизнинг энг оддий саъии харакатларидандир. Тақдим қилинаётган мулоҳазаларнинг



таълимдаги тадбиқ қилиниши турли изланишлар ёндошишлар таълимнинг ноанъанавий усулари, интерфаол янги педагогик технологиялар, инновацион ҳамкорлик орқали эришишда деб биламиз. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг янги тарихи ўз олдига улуғвор вазифаларни белгилайдики, бу аввало давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятимиз ва санътимиз олдига қўйган теран мақсад ва вазифалар рухлантирувчи ва етакловчи асосий омиллардан биридир. Ижодкор шахс, келажак авлод актёрлар, режиссёrlар, сўз усталарини тарбиялаш давр талаби, бунга салоҳиятли ҳисса қўшиш, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ҳаёт тарзи, асосий фаолият мезони бўлиши табиий жараёндир. Мустақиллик насимлари ўзига хос бетакрор анъаналари, бой маданий-маънавий меъроси, қадриятлари, тарихи лол қиласи манбаларга эга халқимизнинг, маънавий ҳазинасини янада кенг ва эркин ривожланиши учун катта имкониятлар дарвозасини очди, жаҳон андозаси даражасида ривожланишимиз учун шароитлар яратди, улкан вазифалар қўйди. Сўз санъати «Бадиий сўз маҳорати» йўналишида изланишлар олиб бораётган ҳар бир ижодкор мураббийнинг иш услуби ўзига хос бетакрор манба. Кейинги йилларда яратилаётган қўлланмалар ҳамда янги адабиётлар яратилишга бўлган талаб ўзининг шарқона, ўзбекона ўрнини олиш эҳтиёжи яққол сезилмоқда. Мазкур қўлланманинг мақсади, вазифаси, фаолияти сўз санъати билан боғлиқ турли йўналишдаги ижодкор мутахассисларнинг тасаввур олами, фикр, дил ва тил у мақсади бирлиги, унинг хоҳиш иродасини ифодаловчи сўзнинг қудрати ва таъсирчанлигини оширишга, бадиий етуклиги, равонлиги, мукаммаллигини таъминловчи машқлар, вазифалар ва йўриқлар мажмуасини тузишга қаратилган. Бу борада қатор дарсликлар, тавсияномалар мавжуд ва унумли фойдаланиб келинмоқда. Тингловчиларда ижодий баркамоллик ва турфа ижодий хусусиятларнинг шаклланиши даврнинг тезкор фикрловчи, ҳозир жавоб ўткир сўз, сўз сехри, қудратидан баҳраманд бўла олувчи ҳамда ўз томошабин-тингловчиларининг қалбини забт эта оладиган ижодкорга айланиши учун ҳар бир мураббийдан доимий изланувчанлик, ҳар бир тингловчига хос ва мос тарздаги ижодий шакл ва мазмун устида бош қотириш лозим бўлади. Биз нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг шарт-шароитлари, тасаввур, хатти-харакат, вазифалар, мақсадлар орқали ўзлаштириш жараёнларига эътибор қаратмоқчимиз. Тингловчилар билан ишлаш жараёнлари шуни кўрсатмоқдаки, бадиий сўз маҳоратидай ўта тиришқоқлик, синчковлик, қизиқувчанлик талаб қилинадиган ўқув машғулотларида замоннинг тезкор тараққиёти, компьютерлар олами, турли тасвир воситаларидан хабардор тингловчиларга фикри, тасаввури, қизиқиши, машғулотлардаги доимий фаоллигини таъминловчи шарт-шароитлар кўнималар, вазифалар, тавсиялар тузимини ишлаб чиқиши лозим бўлмоқда. Ижодкорнинг саҳнавий, ҳаётий сўзлашув маҳоратини, санъатини ўзига хос воситалар, айrim йўналишлар, шунингдек, муаллиф томонидан яратилган бир қанча воқеалаштирилган мураккаб тез-айтишлар, жумлалар, нутқ аъзоларининг ҳаракат меъёрини фаоллаштирувчи «чархловчи», «қайровчи» машқлар мажмуалари киритилган қўлланма хақида



билдирилган холисона фикр мулоҳазалар, муаллиф томонидан эҳтиром билан қабул қилинади.

Она сутидай мўътабар ўзбек тилимизнинг қудрати ва ҳикматига эришиш, мустаҳкамлаш, уни улгаяётган авлод қалби ва онгиға етказиш қанчалар ҳаётий эътиқод. Шу муборак қутлуғ заминга киндик қони тўкилган, ўсиб улғайган миллатнинг ориятли, қадр-қимматли, хар бир вакили буни чуқур ҳис этиши ва унга хисса қўшишини истар эдик.

Бебаҳо ва бекиёс, нодир ва ноёб бойлигимиз бўлган тафаккур, фикр, мушоҳада ва унинг жонли ифодаси бўлган сўз бекиёс фазилатимиздир. Уни шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда асраш баркамол авлод, комил инсон тарбиясидаги муҳим ҳаётий жараёнлардан бири эканлиги маълум. Сўз буюк тараққиётлар силсиласида юксалаётган инсоннинг мақсади, маслаги, хоҳиши-иродаси, хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ўз ўрнида борлиқнинг минг бир турланувчи оқимида ўзини, ўзлигини англаниши ҳамда унинг одамзод наздида англаниши хислату-фазилатларнинг сарчашмаси бўлиб қолаверадилар. Инсондаги энг ботиний хусусиятларнинг ички олами, борлиқни хис қилиши, унга бўлган асл муносабатлари, тасаввурларининг чексизлиги, теранлиги, ҳаётбахшлиги жонли сўзга айлансанагина дунёмизни гўзаллик ва улуғворлик кўркига алоқадорлигини намоён қиласади. Сўз, шакшубҳасиз илоҳий мўъжизакор, қудратли, яратувчи ёки вайрон қилувчи, юксалтирувчи ёки тубанлаштирувчи, улугловчи ёки мағлуб қилгувчи ҳамма нарса ва сабабларга қодир ва алоқадор. Кундалик оддий мулоқат ва муомила мақсад ва маслак хоҳиш ва иродамиз борлиқقا нарса ва ходисаларга бўлган муносабатларимизнинг бекиёс ифодавий воситачиси бўлган сўзимизнинг вазифаси, ўрни, аҳамияти ўзининг залварли хусусиятларини янада мустаҳкамлаб, такомиллаштириб ҳар бир инсон, ҳар бир касб, илм, ижод, соҳибининг энг бирламчи ифода, иқрор, ғоя мақсад, ҳикмат, хатти-ҳаракат, хоҳиши, истак, ирова тилмочига айланиши оддий ва олий ҳақиқат эканлигига шубҳа йўқ.

Турли тоифа, илм, фан, санъат ва маданият намояндалари асримизни «Фанлар тараққиёти асли», «глобал юксалишлар асли», «маданият асли, космос асли» каби атамалар билан номламоқдалар. Ўз ўрнида сўз, муомила, мулоқат илгари сурилаётган тараққиёт турларининг юксалишида ўзининг қудратли бекиёс вазифасини намоён қилишда инсониятга энг беминнат, бетакрор ифода воситаси бўлиб қолаверади. Жонли сўзниң ранг-баранг таъсирчанлик хусусиятларини кундалик фаолиятимизу ижод ва ижро имкониятларимизга тадбиқ қилишимиз қанчалар асосли ва ўринли, таъсирчан, ибратли бўлса, шу қадар кенг ва чуқур даражада олдимизга кўйган эзгу мақсадлар, комил инсон етук шахсни миллий ғоя руҳида камол топтиришга эриша оламиз.

Илк машғулотларданоқ “Бадиий сўз” санъатидан қудратли, мўъжизавий илоҳий неъматнинг асл моҳияти бекиёс вазифалигига истеъдод ва меҳр билан ёндошиш йўлларини излаймиз. Сўз санъати сирларидан заррама-зарра товушларни ўзлаштириб, жамлаб асраб боришимиз зарур бўлади. Сўз ҳақида тушунчаларимиз қанчалар мукаммал бўлиши битмас-



туганмас бойлик. Шу бойлик зарраларини бир-бир жамлаб олмасак ноёб ҳазинага эга бўламиз. Тасвирда акс этган ҳар бир шахснинг вужуди, пластикаси, тасаввури, унинг ҳаракат эркинлиги мужассамлашган ранг-баранг машқларни, мультимедия имкониятлари билан кўрсатилганда, тингловчиларнинг машқ қоидаларини эслаб қолиши осонлашади. Аммо, буни мукаммал ижро даражасига айлантириш учун педагог билан биргаликда тренинг ўтказиши керак бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:

1. Миллий истиқлол ғоялари ёритилган қандай бадий публицистик асарлар билан танишсиз?
2. Сўз санъатида ёритилишга муносиб замон қаҳрамонлари ҳақида асарлар танлаш ва таҳлил қилиш тўғрисида фикр-мулоҳазаларингиз?
3. Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллигини оширувчивазифалар ҳақида фикрингиз?
4. Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр туйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳоратига эришиш воситалари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимжонова З.Й., ТўлагановА.Н., Саҳнанутқи. – Т., Фан, 2005.
2. Носирова А. Жонли сўз санъати. – Т., Мусиқа, 2010.
3. Жуманов И. Саҳна нутқи. –Т., Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти, 2007.
4. Сайдов У. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Т.: Академия, 2007.
5. Тўлаганов А. Шеърий асарлар устида ишлаш маҳорати. – Т., 2006.
6. Ходжиматова М. Саҳна нутқи. –Т., Янги аср авлоди, 2011.



3-Мавзу. Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш

Режа:

- 1. Телевидение ва радио дастурлари учун лойиҳа ва у асосида сценарий яратиш тизимлари .**
- 2. Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларида жонли сўз ва унинг ижрочилик маҳорати.**
- 3. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлаш ва бошловчилик маҳорати.**

Бадиий сўз маҳорати ва саҳнавий нутқнинг интерфаол амалий ижро мукаммаллигини шакллантурувчи ва такомиллаштирувчи товушли бирикмалар, сўз, жумла ва мураккаблатирилган воқели тез айтишлар. Бадиий тўқималар, таржималар иловаси:

- 1.Уд-жзвз-мдр: товушлари орқали гўё бозорда сотувчилар ўзларининг турли молларига узлуксиз ва фаол харидор чорлайдилар.
- 2.-Фкм-чкм-чтп-бдупп: асаб қўзғатадиган тасаввурдаги воқеалар таъсиридан сўнг асабий одамлар изҳори.
- 3.-Чмс-чкрр, жгррр-жунғурр-мбррмм-мчрчқтрмм: шоирона лирик орзулар изҳори.
- 4.-Хбк-кракама-чутурр, уввтасс-жфвптрака: турфа ғаройиботлар изҳори.
- 5.-Ҳткрмрлл-пчптра-камкракатурр: ҳайратовуз манзаралар тасвиirlар, мақташ ҳайратга солиш.
- 6.-Жувжумала жумбурр-жувара жабудурумм: ҳавф-ҳатарлардан қатъий огоҳлантириш, фалокатдан асраш, олдини олиш, қўрқитиш.
- 7.-Тумпарақа қарақатром ирапарақатрастури, торри қора қатритупара тру риро альфазра жмфзластруп-жажа бажи-жо, жулфазлброллор: ёмонлаш, фош қилиш, нафрат уйғотиш.
- 8.Мусиқали театр актёrlиги бўлимида шу товушлар ва вазифага амал қилинган ҳолда товушларни ўзбекча, грузинча, ҳиндча, туркча, Африка ёки Европа халқлари миллий мусиқа ритмлари орқали ҳам ишланиши мақсадга мувофиқдир.

Товушларнинг турли ва ёндош келиши, ёдда қолиши қийин кечади, дастлаб ёзиб олиб ўқиб бериши мумкин, аммо мунтазам такрорлаб фикр ҳаракат ва тасаввур орқали ишлагандა ёд олиниши қийин кечмайди. Аксинча, хотирани, фикрлашни, тасаввурни жонлантириш учун ҳам қўл келади.



Товушларни ёндош талаффуз қилиш нутқ аъзоларининг фаол ва эркин бурро ҳаракатланиши учун ёрдам беради:

- 9.-Нмлкз-злмкн-чт-трк-чрм трнмлл.
- 10.-Ррчтптрр-тпчтрчркрмм.
- 11.-Фқфхчмрр рровв-роқо-руқо-роқомтррм.
- 12.-Ов-лоқо-роқотум ррақатом, товушлари орқали тингловчилар тасаввур ва фикран қуидаги саволларга жавоб излайдилар: олдин товушлар орқали кейин сўз билан:
- 13.-Сиз учун бетакрор гўзал манзара, мавжудот, дарахт, сув ости олами, гуллар, ўсимликлар, тоғ, денгиз, дарё, қири-адирлар.
- 14.-Ғаройиб олам ҳақида таъсуротлар: ғорлар, турфа олам манзарадали, ўрмонлар, чакалазорлар, шаршаралар манзараси.
- 15.-Орроқоро-руқоронг-онғороғочонг-унгақаракатронг-руқа-рақа тронг.
- 16.-Чийрақатунг-жумароқатунг-тупара-рапа-трупп.
- 17.-Жонг-жоқо-жунг-жума-ромо-жум.
- 18.-Тупура-пагу-турапа-тапара-tronг.
- 19.-Чухрақачунг-жумара-жужаромм.
- 20.-Бинн-жмано-мона-жумм.
- 21.-Тупрапатум-тонг-рақатум, тува-жаба-бдромм.
- 22.-Човражажу-жуваражужорр-ррото-проот.
- 23.-Турр-рапа-тп-томм-инг-кара-кичириңг.
- 24.-Чп-тп-тпчтрмм, гум-чаларап-чомм.
- 25.-Чанг-рақа-чумм-чумм-лим-дам-раба-дуба-ранг.
- 26.-Дам-раба-дуба-ранг-рапа-рапа-тупароп.
- 27.-Пурр-рапа-тупу-топ-апала-лупп-понг.
- 28.-Лупала-лупанг-тқрм-қчмркчмрр.
- 29.-Зул фазл фулумчутурумбудурм.
- 30.-Жума-рама-рамажум-жуфу-зу будубрмм.
- 31.-Аллақа-ландон-уллақа-лонг.
- 32.-Жумана-мажом-жом-на-мадум-оважа-бу-жом.
- 33.-Овово-вудо-увводо-ди-донг-лола-ла-ли-ловв.
- 34.-Лувв-ла-ла-ли-лов-лов-ло-лудонг.
- 35.-Ҳовло-ло-луловв лов-ло-ло-лў-лў-ловв.
- 36.-Ҳабара-хубурр-жумара-жўмолл.
- 38.-Можи-мужи-мужолл-можи-мужу-мужоломм.
- 39.-Мрқумурр-мур-қурумурр врр вдурумм.
- 40.-Бдмдр-млм-мдрр-бдмдрмм-мк-мклмм.
- 41.-Нмррқчмм зззбдмм бдз-бдммфчзбдм.



- 42.-Бзмлкz млмбдрр фзмдзм млчтмрр.
- 43-тпоро потроп тори-пори-пов-ропотруп.
- 44.Мен соғинган машғулот, манзара, сиймо, таом, томошо, воқеа.
- 45.Триқ турақа труқ тронг
- 46.Оқ-троқо-труқ-тро
- 47.Уптиссс-сороқочурлиримм-чурам-чирқемрилл
- 48.Чринг-чироқ-чуинг-чиринг
- 49.Кпртрлфст-крмтрлмстрлмрлл-умболлоқо трумастрилиро
- 50.Кри-кре-кра-кро-кру-кри-кронг

Талаффуз машқидан сүңг яна кенгайтирилган тез айтиш воқеа, мақсад ва турли шарт-шароит вазифалар қўйилиб талаффуз қилинади:

«Ўш пашаси пес пашша.Пес Ўш пашаси беш пашшага қўпайди.Беш пашшага қўпайган пес Ўш пашасидан пешма-пешига без юз эллик бешта пес пашшача қўпайди.

Пес Ўш пашасидан беш пашшага қўпайган беш юз эллик бешта пес пашшадан яна беш минг беш юз бешта пес пашша қўпайганда-қўпайиб, сурбетдан-сурбет, ғурбатдан-ғурбат, кулфатдан-кулфат келтириб гала галалашиб асабларни арралаб, ғазабни қўзғаб, пишлоқларни яламай, мушукларни таламай Чилангар Чори билан Жарроҳ Тошпўлат тажангни талашга тушди.

Пес Ўш пашасидан беш пашшага қўпайган беш юз эллик бешта пес пашша қўпайганда-қўпайиб, сўппайганда-сўпайиб, ўшшаганда-ўшшайиб беш минг беш юз эллик бешта пес пашшачаларни қўпайтирганидан кейин сурбетдан-сурбет, ғурбатдан-ғурбат, кулфатдан-кулфат келтириб гала бола-чақаси, aka укаси, амма холаси, тоға жияни билан асабларни арралаб, ғазабни қўзғаб, пишлоқларни яламай, мушукларни таламай Чори Чилангар билан Жарроҳ Тошпўлат Тажангни талашга тушганидан кейин Чори Чилангар билан Жарроҳ Тошпўлат Тажангни чақишларга чидамай туни билан ухламай, аммо сира йиғламай:

- 61.Аччиғи жуга жо
- 62.Умпалука ука лака лпrr тprmm
- 63.Тпрқчурр чпалақачонг
- 64.Синча сунча синчақа сунча
- 65.Гжмжжу гжмжжу жум
- 66.Гнкжирр жплжум жаҳалақажу жухлақужуми
- 67.Жржжжу жп жп птусс
- 68.Мpt птуvv мpt птуvv мpt птусс
- 79.Уважақа жуҳанг синхрофазатроннаэро
- 70.Куалалумпурсуну суано супмитсиалидеб жаврашга тушдилар.



Ушбу тез айтишнинг воқеаси ва шарт-шароити, тингловчининг ички тасаввурига монанд ҳаракат ва муносабатини белгилаб тавсия этилган товушлар бирикмалари билан ифодалашга уриниши, талаффуз мукаммаллигига кўникма ҳосил қилиш, аниқ фикр мантиқи асосида тингловчини фаол сўз ҳаракатини мустаҳкамлашга шароит яратади. Сўз санъатида сўз сехри, унинг таъсирчанлик қудрати жумлалар қурилиши ва жозибадор, бетакрор бўлиши учун ҳам мураббий, ҳам тингловчи изчил изланишга сўзнинг фикрлар, таъссуротлар, тафсилотлар, муносабатлар уммонидан оқаётган гоҳ тиниқ булоқ зилол чашмасидек тоза, гоҳ тоғутошлардан жўшқинлик ва қудрат билан оқаётган шалоладай фусункорлик кашф этиши бекиёс аҳамиятга, катта ижтимоий, маънавий-маърифий қимматга эга албатта ўз-ўзидан ҳеч нарса содир бўлмайди. Тингловчилар томонидан танланган турли жанр мавзу воқеали адабий матнлар юзаки йўл-йўриқ ва ёдлаш билан тингловчини ишонтира оладиган, таъсир қила оладиган, жалб қила оладиган сўзга айланмайди. Сўз ўзининг жонли ва таъсирчанлик қувватига эга бўлиши учун, сўз устаси руҳан тайёр бўлиши, етилиши керак. Бу эса тингловчидан кўплаб адабиётлар ўқиши, кузатувчан, қизикувчан, изланувчан бўлишини тақозо этади. Аммо нутқ техникасини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг бошланғич давриданоқ тингловчиларга матннинг ривожи ифодавий ечимини шакллантиришини ҳам назарда тутиши зарур. Матн билан ишлашнинг масъулияти, юки, мashaққати режиссёр ва иштирокчи учун баравар куч талаб қиласи. Бошқа тафсилотлар эсланиш тавсия этилиши ёш ижодкорларни тасаввурлари ранг-баранглиги ва унинг товушлар орқали етказишга уриниш ўқувини ривожлантиришларига ёрдам беради. Тингловчининг эркин тасаввур ва товушлар талаффузи машқларидан сўнг турли мавзулардаги шеърлар, воқеа адабий матн, ҳикматлар, публицистик тасвиirlар орқали амалий ижродаги натижасини эшитиб кўриш, таҳлил қилиш фикр алмашишга тавсия этилади:

Талаффуз равонлиги ва бурролиги равонлиги таъсирчанлиги, жарангдорлиги артикуляцион эркинлик ва фаоллликни такомиллаштиришга замин яратувчи бундай товушли бирикмалар, ундан кейинги жонли бадиий сўз маҳорати ижро жараёнларини мукаммалаштирувчи жараёнларда тақрорланиши мақсадга мувофиқ бўлиб, уни профессионал актёрлар, сұхандонлар, бадиий сўз усталари, нотиклар ва фаолияти сўз санъати билан боғлик, профессионал вокалист, эстрада, опера ва фольклор қўшиқчилари ҳам кенг тадбиқ қилишлари мумкин. Бу товушли бирикмаларнинг тил чарҳлаш, тил қайраш мақсадидаги тақрой машқларидан сўнг талаффузнинг равон, ифодавий фаол таъсирчан ижро амалиётида турли матнлар билан мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ва



Қорақалпоғистон ҳалқ шоири Ибройим Юсуповнинг XXI асрға шеъри танланди.

Салом, янги аср!
Адашган сайёд
Нотаниш эшикни аста қоққандай,
Бўсағанг олдида бул инсоният
Ҳадик, умид билан сенга боққандай
Мангу яшамоқнинг ишқида ёниб,
«Янги ҳужайра»лар кашф этган одам,
«Озон туйнуги»нинг йиртиғин топиб,
Минг йиллар сўроғин сўраб дамодам.
Сенинг кимлигингни била олмасдан.
Бўсағандага туриб боши қотади.
Бир телба кимсадай ақлдан озган,
Қирқ минг ҳаёл билан ўйга ботади.
Сен қандай бўларсан?
Тимсолинг қандай?
Хавф-ҳатардан
Ҳапқиради ҳаёлим
Ўт-муз билан ўйнаб бораётгандай,
Руҳиятни қийнар ҳамма саволи,
Ахлу-илм, заковат тиллар топишиб,
Жаҳон лол қолгудай сатрларни очар,
Ва лекин манфаат, феъллар тўқнашиб,
Дунё-бебарақа кулбага ўхшар,
Одамзод бўл уйда бир яшаб туриб
Бир-бирин севиб ҳам жирканётгандир,
Шайтон ҳозир компьютерга ўтириб,
Инсондан тажриба ўрганаётир.
Жаҳон бозорида нелар йўқ ҳозир
Сотилади қонли қирғин қуроли
Бизни ишқи билан чопқилаб давр,
Доллар келар йўлга тузоқ қуради.
Бул даврнинг ғалат атамаси кўп.
«Мафия», «Коррупция», «Террор» яна не
«Наркотик», «Маняқ», «Спид»-дилнинг жабри кўп,
айтсанг ғам босади кўнгил ҳонани.
«Ўзим бўлай деган қадимий иллат,
Инсон кўнглин заҳ сув каби жойлаган.



Нафсу тақаббурлық тикани гуллаб,
 Қурол билан бола каби үйнаган.
 Ётсираб эл-элни, инсон инсонни,
 Бажхонада түхтатиб йўл дарбандлари,
 «Ўтиш даври» деган қаттол замонни,
 биз ўтаётириз анчадан бери.

Сен бунга не дейсан эй янги аср?
 Келажакка не тайёрлаётирсан?
 Сендаги муруват, ақлу-тафаккур
 Қай аҳволда? Қандоқ кутаётирсан?
 Эски асринг яхши ёмон меросин
 Сен албатта қабул қилиб оларсан
 Одамзоднинг феъли, бузук дунёсин,
 Тузайман деб кўп ҳаракат қиласан.

Лекин сен эргашиб эски асрга,
 Унга ҳавас этма, сақла сал ибо.
 Инсонни ажратма қара орийга,
 Ҳалқлар тақдирини қилма тажриба.
 Бизлар кўрдик ғафлат кетганда ошиб,
 Дарёлар терс энди, денгиз қувради
 Бир-бирига ёвуз урушлар очиб
 Одам ўқлар отди, қирди увлади.
 Лекин инсониятда зўр бир умид бор
 Дунё эзгуликка таянаётir.
 Ўзини таниган ҳалқлар баҳтиёр
 «Мустақил ҳаёт» деб уйфонаётir
 ёвузлик тақаббур қирғинлар иши,
 у ҳозир хеч кимга бошини энмас,
 лекин қай маконда ҳалқ деган киши
 тинч, аҳл-фаровон яшашни сўймач?

Кел сен янги аср!
 Ўрнат адолат.
 Умид жайхундай тошиб тўлғайсан!
 Ақл қурилтойин чорлаб одамзод,
 Қиёси йўқ олтин аср бўлгайсан.
 Биздан ақллироқ, баҳтлироқ авлод
 Келиб янги асрнинг ҳур болалари,
 Бағрингда топишиб меҳри-муруват
 Туташсин дўстликнинг «ипак йўллари».



Монологлар билан ишланиш жараёни актёрлик маҳорати мактабини чукур жиддий ва мұккаммал ўзлаштириб олингандан сўнг, яъни тингловчилар турли воқеаларнинг ривожланиши жараёни турли шарт-шароитлар, кўриш, тасаввурлаш, фикрлаш, баҳолаш, муносиб муносабат, олий мақсад, жисмоний ва руҳий ҳаракат имплоларини мұккаммал ўзлаштирганидан сўнг олинади. Аммо саҳна асарларидан айрим монологларни олиб ишланиши учун аввало асарни атрофлича ўрганиш, унинг тарихи, воқеалар тасвиirlанган давр, мұхит, урфу-одатлар, муаллиф ва унинг фаолияти ва бошқа омиллар ўрганилади. Битта монолог билан ишлаш ҳам тингловчи ва мұраббийдан қунт сабот, катта хоҳиш, изланиш кўп вақт талаб қиласди. Монологлар ижросининг талаблар даражасида чиқиши факат саҳна нутқи предмети билан боғлиқ эмас, у тингловчининг табиати, хиссиёти, фикр кенглиги ишончи, муносабатининг фаоллиги каби ниҳоятда мұхим иқтидор, истеъдод билан сермашаққат меҳнатга иштиёқ меҳр ҳамда янада мұхим актёрлик маҳорати предметини мұккаммал ўзлаштирган бўлиши керак. «Сўз ҳамма ижодий жараёнларнинг гултожи» бўлиши ҳаётий ва ижодий ҳақиқат мезони экан маҳоратда суст оқсоқ тингловчидан саҳнавий сўзлаш нутқ маҳоратида самара кутиш ижодий табиатта енгил-елпи, юзаки, асоссиз қараш билан баробарида саҳнавий сўзлаш санъатини шакллантириш ва мұккаммаллаштириш учун қўшимча изланишлар, тафсилотлари услубиятларини ёритмоқчимиз. Мустақиллик шарофати билан давлатимизда «Она тилининг давлат тили» деб эълон қилиниши, жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларимизнинг кучайиши учун қўл келадиган ҳамда ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида компьютерлар салтанати ўрин олганлиги лотин алифбоси йўналишида тадбиқ қилишимизни тақозо этмоқда. Бу шарт-шароитлар қўлланмада лотин алифбосида унли ва ундош товушлар талаффузи назарда тутилиши лозим. Албатта биз бой адабий меросимизни асраб ҳам кирилл, ҳам лотин алифбосида ўргана олишимиз нур устига нур.

Тилла тахт устида, бошига тилла жига қўндириган бир қиз, ой деса оғзи бор, кун деса қўзи бор.

Тингловчиларда катта истеъдод билан яратилган, бадиий пишиқ ва етук, воқеалари таъсирли муаллифнинг ғояси, мақсади бугунги кунимизга миллий истиқлол мағкурасига уйғун асарларнинг танланиши, тингловчиларнинг фикри-ёди қалбини уйғота олиши ҳаёlinи банд қилиб қўйиши ҳам ҳал қилувчи сабабларидан биридир.

Нутқ техникаси, мантик, сўз билан ишлашнинг ҳамма жараёнларида ҳам тингловчида сўзга, жонли сўзга, таъсирчан бетакрор сўзга доимий меҳр чанқоқлик уйғотиб бориш зарур. Тингловчилар сўзни энг ноёб, бебаҳо ижод манбаси эканлигини бутун вужуди, онги ва қалби билан ҳис этишлари керак.



Сўзга меҳри, чанқоқлиги бўлмаган ижодкор қандай қилиб ижод мashaқати юкини ҳис қилиши ва сўз орқали ўз томошабинлари ишончи, ҳайратини забт этиши мумкин? Сўзга хассослик, сўзнинг қадр-қимматини билмай изчил ўрганмай жонли сўзни ҳис қилиш ва ўз томошабинларига хис этдириш мутлақо мантиққа зид уриниш бўлар эди. Адабиёт оламида инсониятнинг маънавий дунёсига сув билан ҳаводек зарур².

Инсониятни ҳамон ларзага солиб келувчи ноинсоний иллатлар – урушлар, зўравонлик, террор, ўз юрти, Ватани, ҳалқига садоқатсизлик, ҳоинлик жуда катта муаммо бўлиб турган пайтда Ватан, юртга садоқат мадҳи акс этган миллий истиқлол ғояси таъсирчан талқин этилган асарлар ёш ижодкорнинг дунё қарashi, тасавури, тафаккурини шакллантирувчи манба бўлиши муҳим қимматга эга.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари

1. Телевидение ва радио дастурларидаги оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадиий пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?
2. Янги лойиҳалар асосида яратилган сценарийларнинг ғоявий-бадиий қимматини таъминловчи омиллар нималардан иборат?
3. Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларда жонли сўзва унинг ижро маҳорати билан эътибор қозонган таниқли сўз усталари, нотиқлар ҳақидаги таҳлилий фикрларингиз?
4. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлашда бошловчи ва муаллифнинг вазифалари нималардан иборат?

²Жаҳон адабиёти. № 9. 2000. 7,8,9 - бетлар.



ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулининг асосий вазифаси?**
 - А) Адабий тил ҳамда томошабинга таъсир қилишни ўргатади;
 - Б) Ифодали ўқиш усулларини ўргатади;
 - С) Монологлар ижрочилигини ўргатади;

- 2. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулининг таркибий қисмлари?**
 - А) Бадиий ўқиш, орфоэпия, сўз устида ишлаш;
 - Б) Ифодали ўқиш, нафас, овоз, талаффуз;
 - С) Нутқ техникаси, нафас, овоз, талаффуз, орфоэпия;

- 3. Нутқ техникасининг таркибий қисмларини аниқланг?**
 - А) Артикуляция, нафас, овоз, дикция, орфоэпия
 - Б) Ифодали ўқиш, нафас, жонли сўз
 - С) Тез айтишлар, шеър, монолог

- 4. Ижро санъатида тўғри нафас олиш усуллари?**
 - А) Диафрагмал аралаш нафас;
 - Б) Елкага олинган нафас;
 - С) Қоринга олинган нафас;

- 5. Дикцион машқларнинг вазифаси?**
 - А) Товушларнинг талаффуз меъерини шакллантиради;
 - Б) Товушдаги ноаниқликни тузатади;
 - С) Нутқ аъзоларини чиниқтиради;

- 6. Артикуляцион машқларнинг вазифаси?**
 - А) Нутқ аъзоларининг харакатланиш меъерини фаоллаштиради;
 - Б) Жағлар харакатини фаоллаштиради;
 - С) Тилнинг харакат меъерини кучайтиради;

- 7. Овоз жарангдорлигини оширувчи машқ қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**
 - А) Овоз марказини топиш, резонатор ва сонор товушлар устида ишлаш;
 - Б) Унли ва ундош товушлар жарангги, резонаторлар устида ишлаш ;



- С) Резонаторлар ва артикуляция устида ишлаш;
Д) Овоз марказини топиш, унли ва ундош товушлар устида ишлаш;

8. Қайтаргичлар вазифаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Товушларни аниқлаштиради, овоз диапазонини мустаҳкамлайди;
Б) Овоз диапазонини мустаҳкамлайди, сўзлар таъсирчанлигини оширади;
С) Овоз жаранггини оширади, овоз диапазонини ва товушларни кучайтиради;

9. Қайтаргичларга инсон вужудидаги қайси аъзолари киради?

- А) Кўкрак қафаси, пешона суяги, бурун, тишлар, юз суклари, елка кураклари;
Б) Тил, лаблар, томоқ, тишлар;
С) Қорин бўшлиғи, тишлар, жағлар;

10. Овоз машқларининг вазифалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Овознинг жарангги, тембри, диапазони кенглигини мустаҳкамлайди;
Б) Овоз диапазони кенглигини мустаҳкамлайди;
С) Овознинг шакли, ҳолатини, талаффузни чиниктиради;

11. Унли товушларнинг ҳосил бўлиши қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) Оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамай пайдо бўлади;
Б) Лаблар ва тилнинг фаол ҳаракатидан пайдо бўлади.
С) Томоқ ва ҳиқилдоқнинг иштирокида пайдо бўлади.

12. Унли товушлар талаффузи тартиби қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) и, э, а, о, ў, у, и;
Б) и, ў, а, э, о, и;
С) э, а, о, ў, у, и;

13. Сирғалувчи ундошлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) в, ф, з, с, ш, й, ғ, х, ҳ;
Б) с, з, ш, ж, ғ, ҳ, қ, ч, в;
С) қ, л, с, з, ж, ғ, ҳ, ҳ, ф;



14. Портловчи товушлар қайси қаторда тұғри курсатилған?

- А) п, б, д, т, г, ж, ң, ғ, к, қ;
- Б) м, л, р, с, т, ж, ң, қ, қ;
- С) ф, м, р, с, т, ғ, д, ә, ң;

15. Бурун товушлари қайси қаторда тугри курсатилған?

- А) м, н, ңг;
- Б) ҳ, н, л;
- С) р, ф, м;

16. Үргу олувчи сўзлар ҳақидаги тұғри қаторни белгиланг?

- А) Сўз хатти-харакати орқали, эга ва қесимга, янги маъно берувчи сўзларга;
- Б) Янги маъно берувчи сўзлар, эга ва қесимга;
- С) Эга ва қесимга, янги сўзларга;

17. Психологик паузанинг вазифалари қайси қаторда тұғри күрсатилған?

- А) Ижрочининг мақсад ва сўз хатти-харакатини фаоллаштиради.
- Б) Сўз туркумларини тасирчанлигини оширади.
- С) Эга ва қесимганинг мухимлигини курсатади.

18. Матн билан ишлаш вазифалари қайси қаторда тұғри курсатилған?

- А) Асар билан танишиш, мантиқий таҳлил, етакчи хатти-харакатни аниклаш.
- Б) Асар мантиқий таҳлил қилинади, танланған матн талқини устида ишланади;
- С) Асар персонажларининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш.

19. Адабий тасвирий матн билан ишлаш мақсадини күрсатинг?

- А) Тассавур ва тасвирлаш маҳоратини шакллантириш;
- Б) Тасаввур тизими узвийлигини мустаҳкамлаш;
- С) Адабий тасвирий матнни ифодали ўқиш орқали;

20. Мавзу ҳақидаги тушунча қайси қаторда тұғри күрсатилған?

- А) Муаллиф танлаган, бадиий образлар орқали талқин этилған ходиса.
- Б) Адіб ғояси, фикр ва олий мақсаддан келиб чиқадиган хулоса.
- С) Асардаги қўп қиррали мазмунни яхлит холга келтирған асосий муаммо.



21. Фоя ва унинг таърифи қайси каторда тўғри кўрсатилган?

- А) Муаллифнинг ўқувчиларга айтмоқчи бўлган асосий фикр ва мақсади;
- Б) Воқеалардан олинган таассурот асосидаги маъно;
- С) Воқеа мазмунидан келиб чиқадиган муаллифнинг олий мақсади;

22. Мазмун ҳақида тушунча?

- А) Муаллифнинг фикри ва мақсадларини ифода этиш;
- Б) Мақсаднинг ҳатти-харакатлар орқали ривожланиб бориши;
- С) Адабий асар ижросининг ўсиб бориши жараёни;

23. Тугун ҳақида тушунча?

- А) Воқеалар ривожланишига туртки бўлган асосий сабаб;
- Б) Ўқувчи учун жумбоқ бўлган персонаж;
- С) Асосий қаҳрамоннинг ажralиб чиқиши;

24. Кульминация ҳақида тушунча?

- А) Қарама-қаршилик, образлар тўқнашувининг ҳал қилиниши;
- Б) Олий мақсад асосида шиддатли ривожланиш тизими;
- С) Ҳаракатлар тизимининг зиддиятли чўққиси.

25. Ечим ҳақида тушунча?

- А) Кульминациядан сўнгги хулоса;
- Б) Асар сюжетининг ривожи ва динамикаси;
- С) Асар воқеаларининг тўхтаб қолиши;

26. Вазият ҳақида тушунча?

- А) Асадаги воқеалар ривожида персонажларнинг ўзаро муносабатлари;
- Б) Воқеалар занжирининг ўзаро алмашувида юзага келган ходиса;
- С) Асар воқеадаги қаҳрамоннинг ҳатти-харакатлари тизими;

27. Экспозиция ҳақида тушунча?

- А) Воқеа ва ходисаларнинг тугунгача бўлган тасвири ва талқини;
- Б) Воқеани ривожлантирувчи мантиқий баён;
- С) Асарнинг бадиийлик асоси;



28.Пролог ҳақида тушунча?

- А) Экспозицияни асосий воқеага эга бўлиш жараёни;
- Б) Шарт-шароитлар асосида персонажлар нутқи;
- С) Асар қаҳрамонларининг зиддиятли диологи;

29.Эпилог ҳақида тушунча?

- А) Асар ечимини ойдинлаштирувчи якуний баён;
- Б) Асар воқеалари кулминацияси ниҳояси;
- С) Якунловчи баён мақомидаги талқин;

30.Конфликт ҳақида тушунча?

- А) Зиддият, хатти-ҳаракат, баҳс, мунозара, мулоҳазалар баёни;
- Б) Манфаатдорлик дунёқарааш, хоҳиш-ирода, истак ва интилишлар;
- С) Зиддиятга олиб келувчи омиллар;

31.Адабий монтаж бу?

- А) Асарни ижрочиликка мослашда ягона фикрни жамлаш;
- Б) Асадаги бирор қисмни олиб ташлаш ёки қўшиш;
- С) Асар ғояси ва мақсадини сақлаган ҳолда асарни қисқартириш;

32.Олий мақсад ҳақида тушунча?

- А) Муаллиф ва ижрочининг асосий ғояси, фикри ва мақсади;
- Б) Томошабинга етказмоқчи бўлган зарурий маълумот;
- С) Ижрочининг томошабинга айтмоқчи бўлган муҳим янгилиги;

33.Асосий воқеа бу?

- А) Адабий асарни вужудга келишига, унинг ёзилишига сабаб бўлган воқеа;
- Б) Ижрочининг олий мақсади ва вазифасига сабаб қарама-қаршилик;
- С) Асадаги ҳаракат фаоллигига сабаб бўлувчи воқеа;

34.Ҳаракат ҳақида тушунча?

- А) Персонажларнинг мақсадини ифодаловчи вазифалар туркуми;
- Б) Ички кечинмани жонлантирувчи, фаоллаштирувчи вазифалар туркуми;
- С) Адабий матннинг ижро ифодавийлигига белгиланган вазифа;



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар нималардан иборат?
2. Жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларида туб ўзгаришларининг ифодавий хусусиятларида “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулининг вазифалари нималардан иборат.
3. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” одулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорликда қандай янги ғоялар мавжуд?
4. Мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисида қандай бадиий публицистик асарларда мавжуд?
5. Миллий истиқлол ғоялари ёритилган қандай бадиий публицистик асарлар билан танишсиз?
6. Сўз санъатида ёритилишга муносиб замон қаҳрамонлари ҳақида асарлар танлаш ва таҳлил қилиш тўғрисида фикр-мулоҳазаларингиз?
7. Замонавий персонаж ва образларнинг ҳарактери, ички кечинмалари ва муносабат фаоллигини оширувчи вазифалар ҳақида фикрингиз?
8. Танланган ҳарактер ва образларнинг олий мақсади, фикр туйғулари, ички кечинмалари ва ижро маҳоратига эришиш воситалари нималардан иборат?
9. Телевидение ва радио дастурларидаги оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадиий пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?
10. Янги лойиҳалар асосида яратилган сценарийларнинг ғоявий-бадиий қимматини таъминловчи омиллар нималардан иборат?
11. Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларда жонли сўз ва унинг ижро маҳорати билан эътибор қозонган таниқли сўз усталари, нотиклар ҳақидаги таҳлилий фикрларингиз?
12. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлашда бошловчи ва муаллифнинг вазифалари нималардан иборат?



МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Якка тартибдаги машғулотлар – саҳна нутқи ва бадий сўз маҳорати Модулларини ташкил этиш шакли сифатида.
2. Сўз санъати ижрочилигида тарбиялаш усуллари.
3. Сўз санъати ижро маҳоратида бадиийлик ва миллий руҳий, ғоявий тасирчанлик.
4. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулини ўқитишида ўзбек сўз санъати мутахассисларининг услублари.
5. Ижодий изланиш жараёнлари ҳақида.
6. Роль устида ишлаш ва образнинг тили устида ишлаш.
7. Саҳнавий нутқ замонавий машқ ва услублар.
8. Персонаж нутқининг бадиий таҳлил ва талқин қилиш жараёнини бошқариш услублари.
9. Баркамол инсон тарбиясида саҳна нутқи ва бадиий сўз маҳоратининг ўрни.
10. Истиқлол йилларида саҳна нутқи ва бадиий сўз маҳорати соҳасининг ривожланиш тенденциялари.
11. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулининг асосий мақсади ва вазифалари.
12. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулига инновацион технологияларининг жорий қилиниши.
13. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси.
14. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулининг долзарб масалалар.
15. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулида “Устоз-шогирд” анъаналари
16. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулларининг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
17. “Саҳна нутқи фанини ўқитишидаги инновациялар” модулларини ўқитишида инновацион педагогик фаолият назарий асослари.
18. Педагогик технологиялардан саҳна нутқи ва бадиий сўз маҳорати Модулларини ўқитишида фойдаланиш услублари.



19. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” ва бадиий сўз маҳорати бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари.

20. Замонавий педагогик технологиялар орқали саҳна нутқи ва бадиий сўз маҳорати Модулларини ўқитишни лойиҳалаш.

21. Саҳна нутқи соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бориши кўникмаларини яратиш методикаси.

22. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулларининг ривожланиш тарихи.

23. Инсон эстетик дидининг шаклланишида саҳна нутқи ва бадиий сўз маҳоратининг ўрни.

24. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулида актёрлик маҳоратининг ўрни.

25. Нутқ техникасини такамоллаштириш ва сўз устида ишлаш.

26. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулида жамоавий ижодни ташкил этиш ва бошқариш усуллари.

27. “Саҳна нутқи фанини ўқитишдаги инновациялар” модулларини ўқитишда ўқитувчи педагогик маҳоратининг ўрни.

28. “Саҳна нутқи” ва бадиий сўз маҳорати бўйича Ўзбекистонлик машҳур актёрлар ва бадиий сўз усталари.

29. “Саҳна нутқи” ва бадиий сўз маҳоратини ўқитишда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари.



МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Миллий истиқдол ғояси руҳидаги насрий ва шеърий бадиий асарлардан намуналар.
2. Сўз санъатида жамият тараққиёти, шахс комолоти ва унинг бадиий ифодаси.
3. Сўз санъатида жамият ривожланишининг бадиий ифодаси.
4. Мустақиллик ва жамият ривожланиши тўғрисидаги қарашларнинг янгича илмий асослари.
5. И.А.Каримов асарларида жамият ривожланиши тўғрисида янги назарий-концептуал ғоялар ва уларнинг жонли сўздаги ифода маҳорати.
6. Жамият ривожланишининг инсон тараққиёти жараёнларидағи уйғунлигининг бадиий ифодаси.
7. Жамият ривожланишида “маънавий ҳаёт” омили ва унинг тарғибот-ташвиқотида сўз таъсирчанлиги.
8. Жамият ривожланишида “моддий ҳаёт” омилиниң ўрни, аҳамияти ва вазифалар тўғрисида публицистик матнлар ифодавийлиги.
9. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарининг жамият ривожланишини янгича тушунишда аҳамияти.
10. И.А.Каримов жамият ривожланишининг миллий-маънавий негизлари тўғрисида.

II. Ижодий топширик.

Сўз санъатининг ғоявий, маънавий-маърифий, бадиий, тарбиявий имкониятларини мужассамлаштирувчи матн тайёрлаш ва уни амалий ижро кўриги учун тақдимот тайёрлаш.



ГЛОССАРИЙ

Шахсга йўналтирилган таълим - Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг саҳна нутқи, хусусан сўз саънати ижрочилигига мукаммал ижро маҳоратига ва тингловчининг индивидуал имкониятини очишни кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

Тизимли ёндошув - Таълим технологияси тизимининг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув - Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараённада унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув - Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш - Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим - Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - Янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишининг усуллари ва техникаси - Маъруза (кириш, мавзуга оид, тарқатма материаллар), муаммоли таълим, ақлий хужум, муаммоли таълим, диологик ёндошув, ўз-ўзини назорат, лойиҳалаш ва ҳ.к. усуллари, амалий ишлар.



Ўқитиши ташкил этиш шакллари - Диалог, муроқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив, гурӯҳ ва якка.

Ўқитиши воситалари - Ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари - Тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Бошқариш усуллари ва воситалари - Ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта қўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш - Ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида ижодий дастур ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади.

Ақлий ҳужум - (“брейнстроминг-ақллар тўзони”) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Инновация - (инглизча innovation) – Янгилик яратиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда тингловчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол - (“Inter” - бу ўзаро, “ast”-“Ҳаракат қилмоқ”) ким биландир сухбат, муроқот тартибида бўлишини англатади.

Педагогик технология - Аниқ кетма-кетликдаги жараён бўлиб, у тингловчи ва педагогнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган, натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Саҳна нутқи – Театрда бадиий образ яратиш, қаҳрамон хатти-ҳаракати, хис-туйғуларини томошабинга етказишда асосий ифода воситаларидан бири. Саҳна нутқи техникаси актёрлик маҳоратининг муҳим унсурларидан бўлиб, унда актёр овозининг ёқимли, жарангдорлиги, талаффузнинг тўғри ва аниқлигига амал қилган ҳолда турли давр, турли касб кишиларининг хусусиятларини, ҳарактерларни ижтимоий, психологик, миллий, майший хислатларини ифодалайди.

Монолог – (юонча – битта нутқ, якка нутқ) Персонажларнинг ҳаёт ҳақида энг муҳим ўйларини бир жойга йиғиб, ёрқин ифода этиш, персонаж томонидан ҳеч ким йўқлигига ёки улар жим турган пайтида айтилган катта нутқи.



ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ БҮЙИЧА

1-илова

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақрорланаётган бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурух ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурух муаммосини ечиш учун гурухлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар

1. “Саҳна нутқи модулини ўқитишидаги инновациялар” модулининг шаклланиши ва тақомиллашишидаги асосий омиллари.
2. “Саҳна нутқи модулини ўқитишидаги инновациялар” модулида ижодий изланишлар ва инновацион ҳамкорликда қандай янги ғоялар мавжуд?
3. Мустақиллик ва жамият таракқиёти тўғрисида қандай бадиий публицистик асарлар мавжуд?



ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР






2-слайд

Маъруза ва маърузачининг характеристи

Ранг	Аҳамияти	Фикрлаш тарзи ва далиллаш
Оқ	Оқ ранг – бетарафлик ва ҳаққонийлик	Оқ рангли йўналишдаги фикрлаш факт ва далилларга кўра маълумотлар сони фаолияти ахборотидир.
Қора	Қора ранг – хира, кўримсиз ва қоронғу.	Қоронғу фикр негатив аспектларнинг нима сабабдан мавжуд эмаслигини аниqlайди.
Яшил	Яшил ранг яшил майса таъсуротида ниш ураётган кўкаламзор туйғусини беради.	Яшил фикрлаш жараёни янги ғоялар ва ижодий изланишлардан далолатдир.
Сарик	Сарик ранг күёш нури билан мутаносибликни билдиради ва завқ ҳамда ижобий муносабатлар тимсолидир.	Сарик ранг кўтаринкилик ва ишончнинг мустаҳкамлигидир. У умид ва ижобий фикрлар уйғунлигини намоён қиласди.
Кўк	Кўк ранг совук ҳамда бутун борлиқни қамраб олувчи осмоний кўм-кўклигни билдиради.	Кўк ранг фикрлаш жараёнларини ташкил қилиш ва назорат қилишни билдиради.
Қизил	Қизил ранг огоҳлантирувчи ва хиссиятни фаоллаштирувчи хусусиятга эга.	Қизил ранг хиссий эмоционал муносабатлар, нигоҳ ва қарашлар ифодасидир.









2-МАВЗУ БҮЙИЧА

1-слайд



2-слайд

“Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса сўз санъати, бадиий адабиётдир”.

“Юксак маънавият енгилмас куч” И.А. Каримов.



Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.

Муаллиф асарини чукур ўрганиш ва теран англаш

Асар персонажалари ва қаҳрамонларининг хулк-автори, мақсад ва интилишлари, хоҳиш ва иродаси ҳамда ҳатти-харакат тизимларини ўрганиш

Персонаж ва қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, олий мақсади ва унинг ҳатти-харакатдаги ифодавийлигини шакллантириш

Муаллиф асарида характер ва образларнинг ички кечинмалари ва ижрочилик маҳорати.

Муаллифнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти

Асар воқеалар тизимида персонаж ва қаҳрамонларнинг ҳаётий ҳаракат йўли

Асар персонажларининг ҳаракетлари ва ўзига хослиги

Асар персонажаларининг воқеалар ривожига муносабати

Асар персонажари ва образларнинг ички кечинмалари ва унинг жонли сўздаги ифодаси

Асар қаҳрамонлари нутқидаги ғоявий, фалсафий, бадиий таъсирчанлик кудрати

Асар воқеаси ривожида қаҳрамонлар ички кечинмаси ва унинг жонли сўздаги ифодавий ранг-баранглиги



3- МАВЗУ БҮЙИЧА

1-илова

Саволлар

1. Телевидение ва радио дастурларидаги оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадиий пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?
2. Телевидение ва радио дастурларидаги оммабоп, ғоявий-таъсирчан, бадиий пишиқ кўрсатувлар ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз нималардан иборат?
3. Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлашда бошловчилик маҳорати ҳақида фикрингиз?

2-илова

1-слайд

**Телевидение ва радиода турли дастурлар
(сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий,
кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва
уларни олиб бориш.**

Телевидение ва радио дастурлари учун лойиха ва у асосида сценарий яратиш тизимлари

Ижтимоий-маданий, маърифий дастурларида жонли сўз ва унинг ижрочилик маҳарати

Кўнгил очар интерактив дастурлар тайёрлаш ва бошловчилик маҳорати

2-слайд

Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш.

Телевидение ва радиода турли дастурлар лойиҳасини яратиш

Лойиха сценарийсини яратиш

Сиёсий-ижтимоий мавзулардаги лойиҳа ва сценарий

Маданий ва мъарифий мавзулардаги лойиҳа ва сценарий



Кўнгил очар интерактив мавзуларда лойиҳа ва сценарий







Телевидение ва радиода турли дастурлар (сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгил очар интерактив) тайёрлаш ва уларни олиб бориш.







АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 1.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 9-сон. 1997.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1. “Ўзбеккино” давлат акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил 29 апрель. // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, 4. – Т.: Адолат, 2000.

2.2. Ўзбекистонда миллий рақс ва хорография санъатини ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 9 январь. // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Т.: Адолат, 2000.

2.3. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 1997 йил 27 февраль.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. “Жаҳон адабиёти” журналини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1997 йил 27 февраль. // Халқ сўзи, 1997 йил 1 март.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 4.1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
- 4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги нутқи. Халқ сўзи, 2007 йил 15 август.
- 4.3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс хиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон



– пресс» нодавлат ахборот агентлиги мұхбирига берган интервьюоси. Халқ сүзи, 2007 йил 23 февраль.

V. Дарсликлар, Ўқув күлланмалар

5.4.Алимжанова З.Й., Тұлғанов А.Н., Саҳна нутқи. – Т., Модул, 2005.

5.5.Джулдиқараева Х. Саҳна нутқи (Талаффуз техникасы). – Т., ЎзДСИ, 2008.

5.6.Джуманов И. Саҳна нутқи – Т., Ўзбекистон миллий фалсафашунослар жамияти, 2007.

5.4.Истроилов М. Диалоглар устида ишлаш. – Т., 1996.

5.5.Нурмухаммедова Ў. Саҳна нутқи. – Т., ЎзДСИ, 2008.

5.6.Носирова А Саҳна нутқи. – Т., Фан 2013

5.7.Тұлғанов А. Шеърий асарлар устида ишлаш маҳорати. – Т., 2006.

5.8.Тұлғанов А Саҳна нутқи. – Т., 2009.

5.9.Ходжиматова М. Саҳна нутқи. – Т., Янги аср авлоди, 2011.

5.10. Холиқулова Г.Ә. Саҳна нутқи (тарихий спектакллар мисолида). – Т., ЎзДСИ, 2008.

